ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

ХОТИРА КИТОБИ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТУЗИЛМАСИДАГИ ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИ

ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

ХОТИРА КИТОБИ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

«MATRIX»
ТОШКЕНТ
2025

УЎК: 32.019.5(575.152)(092)
66.3(5Ў)
Қ 28

Қатағон қурбонлари. Хотира китоби. Қашқадарё вилояти / Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи. «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди. - Тошкент: «MATRIX» нашриёти, 2025. - 304 б.

КБК 66.3(5Ў)

Таҳрир ҳайъати:

Профессор Б.В.Ҳасанов (раис), академик **Н.Ф.Каримов**, профессор Д.А.Алимова, профессор **Д.Ҳ.Зиёева**, профессор Ж.Х.Исмоилова, профессор Р.Т.Шамсутдинов, профессор Х.Э.Юнусова, профессор З.Р.Ишонходжаева, доцент А.Р.Кудияров, М.Ф.Зикруллаев, Б.Ирзаев, доцент М.А.Дармонова, Ю.Х.Ашуров, Д.Ф.Файзуллаев, М.Б.Алижонов, Б.А.Муратов, Ю.Ж.Сафаров.

Тузувчилар:

Т.ф.д., проф. Б.В.Ҳасанов, т.ф.д., доц. Д.Ж.Рахматова, ф.ф.н. проф. П.Р.Равшанов, **С.А.Каттабоев**, т.ф.д., проф. Г.И.Мўминова, т.ф.д., проф. М.Х.Тўраева, т.ф.д., доц. Г.П. Равшанова, т.ф.ф.д., доц. Н.Н.Ражабова, т.ф.н. Х.Низомов, т.ф.ф.д., доц. А.Ж.Пардаев, т.ф.ф.д., доц. О.А.Раҳманкулова, т.ф.ф.д. Д.Д.Авлияқулова, т.ф.ф.д. С.И.Ботиров, т.ф.ф.д. Н.Р.Суяров, т.ф.ф.д. Ғ.А.Уралов, Т.Ғ.Эшбуриев, У.Т.Аширов, Д.Б.Ҳимматқулова.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги **“Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Ф-5598-сон фармойиши ҳамда 2024 йил 19 июль санасидаги **“Сиёсий қатағон қурбонлари бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”**ги ПҚ-270-сон қарори асосида Россия империяси мустамлакачилиги даврида, шунингдек, совет тузуми йилларида Ватанимиз озодлиги йўлида курашган, миллатни эрк ва ҳуррият учун курашга даъват этган, бироқ, ҳукмрон Чор империяси даврида жазога тортилган ҳамда мустабид шўро тузуми томонидан “халқ душмани” бўлганликда айбланиб, отилган, совуқ ўлкаларга сургунга юборилган, ноҳақ қатағонга учраган азиз ватандошларимиз номларини абадийлаштириш мақсадида нашр этилди.

ISBN 978-9910-8983-9-6

© Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи. 2025.
© «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди. 2025.
© «Matrix» нашриёти. 2025.



МУНДАРИЖА

КИРИШ 4

ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИДА ҚАТНАШГАНИ УЧУН ЖАЗОЛАНГАНЛАР (1860–1916 ЙИЛЛАР) 11

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ ҚУРБОНЛАРИ (1917–1924 ЙИЛЛАР) 15

ТУРЛИ СИЁСИЙ АЙБЛОВЛАР ВА “ҚУЛОҚ”ЛАШТИРИШ ҚУРБОНЛАРИ (1925–1936 ЙИЛЛАР) 25

“КАТТА ҚИРҒИН” ҚУРБОНЛАРИ (1937–1938 ЙИЛЛАР) 87

1940–1950 ЙИЛЛАР ҚАТАҒОНЛАРИ 159

“ПАХТА ИШИ” ҚУРБОНЛАРИ 169



КИРИШ

XIX асрнинг иккинчи ярми бошларида Россия империяси Туркистонни босиб олиш учун ҳарбий ҳаракатларни авж олдирди. Қўқон хонлигига қарши олиб борилган жангларда қўли баланд келган босқинчилар тез орада ўз ҳужумларини Бухоро амирлигига ҳам қаратди. Жиззах, Самарқанд, Каттақўрғон сингари шаҳарлар кўп талофатлар билан ёв қўлига ўтди. Россия империясининг Бухоро амирлигига қарши тажовузи, охир-оқибатда, ярим тобелик – вассаллик билан якун топди. Афсуски, ўзаро нифоқ, бирикмаслик, тожу тахт васвасаси амирликнинг Қарши, Шаҳрисабз, Китоб ва бошқа бекликлари бошига кўп кулфатлар келтирди.

Амирликнинг Ғузор, Қарши, Ҳисор, Шаҳрисабз, Китоб, Шеробод каби жанубий бекликларидан жам бўлган Абдумалик Тўра бошчилигидаги катта қўшин империя аскарларига қарши жанг олиб борди. Эл-юрт ҳимояси йўлида кураш оқибатида кўплаб қурбонлар бўлди. Юрт озодлиги, ор-номуси учун бекликлар ўғлонлари жасорат кўрсатишди. Бироқ, ҳарбий жиҳатдан кучлар нотенглиги туфайли душманнинг қўли баланд келди.

Тадқиқотчи М.Е.Массон ўзининг “Қадим даврлар Қашқадарёнинг қуйи вилояти пойтахт шаҳарлари” деб номланган (1973) рисоласида Қарши остонасида Россия империяси қўшинлари билан бўлган жанг ҳақида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Қарши учун жанг 1868 йилнинг 21 октябрида бошланиб, генерал-майор Абрамов бошқарган қисм икки кун давом этган шиддатли ҳужумдан сўнг шаҳарни эгаллайди. Истилочилардан 11 жангчи ўлдирилади, 4 нафар жангчи ярадор қилинади. Мазкур жангдан сўнг, “Қарши қўрғони дарвозаларида русларнинг замбарагидан қолган излар узоқ вақт сақланиб қолади””.

1868 йил 27 октябрда Подишо ҳукумати томонидан истило қилинган Қарши шаҳрини амир Музаффар ихтиёрига топшириш маросими



бўлиб ўтади. Шу билан бирга 1870 йил 14 августда Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари ҳам забт этилиб, амир Музаффар ихтиёрига топширилади.

Умуман олганда бугунги кунга қадар 1860–1916 йиллардаги Россия империяси мустамлакачилиги даврида халқ қўзғолонларида иштироки учун Қашқадарё вилояти бўйича жазоланган 5 нафар қўзғолончи номи аниқланди. Бироқ, уларнинг сони кўп ва илмий тадқиқотларимиз давомида улар ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш ишлари давом этмоқда.

1917 йил феврал ойида Россияда буржуа-демократик тўнтариши амалга оширилди. "Оқ подшоҳ"нинг ағдарилиши Бухоро амирлиги мулкларида омманинг руҳиятига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатди. Жумладан, Қаршида 1917 йил март ойининг охирларида деҳқонлар норозилик ҳаракати оммавий тус олади. Амирнинг ислоҳотлар қилиш ҳақидаги ваъдалари афсуски, пайсалга солиниши аҳолининг илғор қисми, яъни зиёлиларда ихтилофни кучайтиради.

1920 йилнинг августида Эски Чоржўй, Эски Бухоро, Кармана, Шаҳрисабз, Хатирчи, Қарши, Ғузор, Китоб ва Зиёуддин бекликларида хонлик тузумига қарши оммавий чиқишлар бўлиб ўтди. 1920 йилнинг 28 августида Советлар ҳукумати М.В.Фрунзега амирликка қарши Бухоро-Самарқанд гуруҳини ҳужумга ташлашни буюрди. Қизил қўшин оёқлари остида замин қизил қонга чулғанди. 1920 йилнинг 29-30 август кунлари Қарши, Кармана, Хатирчи ҳудудлари большевиклар қўлига ўтади.

1924 йилда Ўзбекистон ССР ташкил этилгач, унинг таркибида шу йилнинг 1 ноябрида Қашқадарё вилояти ташкил топади. 1917–1924 йилларда Туркистонда Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган қашқадарёликларнинг 60 нафари Совет ҳокимиятига қарши кураш қурбонлари сифатида тарихга муҳрланади.

Мустабид тузум ҳукумати ва компартия мустамлака асоратидаги ўлка халқларини қул ўрнида ишлатиб, ҳисобсиз фойда ва даромад олишнинг энг мақбул шакли бўлган "коллективлаштириш" сиёсатини амалга оширишни стратегик вазифа сифатида айёрлик ва устамонлик билан амалга оширди. Бу борада амалга оширилган сиёсий жараёнлардан



бири – ер-сув ислоҳоти муҳим аҳамият касб этади. Қашқадарё вилоятида 1924 йилда бошланган ер-сув ислоҳоти 1929 йил баҳорида якун топди. Бу ўтказилган тадбир натижасида вилоятдаги катта ер эгалари ва амирликнинг катта амалдорлари ҳамда савдогарларининг хўжаликлари тугатилди.

Қашқадарё вилоятида ўтказилган ер-сув ислоҳоти туфайли жами бўлиб 989 та хўжалик батамом тугатилди. Мазкур хўжаликларнинг йўқ қилиниши натижасида шўро ҳукумати томонидан 12556 таноб суғориладиган, 5290 таноб лалмикор ерлар, 1001 та от, 1194 та ҳўкиз ва 274 та туя тортиб олинди. Шу билан бирга шўро ҳукумати ўз ерларида ҳалол меҳнати билан кун кечирадиган деҳқон хўжаликларини ҳам мазкур "ислоҳот" гирдобига гирифтор этиб, "қулоқ"ларга айлантирган, уларнинг ер-сув, от-улов ва бошқа мол-мулкидан маҳрум этган.

Бугунги кунда олиб борилган изланишлар натижасида Қашқадарё вилоятида 525 нафар фуқаролар сиёсий айбловлар ва қулоқлаштириш қурбонлари бўлганлиги аниқланди. "Қулоқлар" ўз яшаш жойлари яъни, маконларидан бадарға қилиниб, собиқ Иттифоқнинг Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистоннинг шимолий ҳудуди ҳамда Сибирга сургун қилинган.

Совет давлати сиёсий қатағонларининг энг даҳшатли ва фожеали даври 1937-1938 йиллардаги "Катта қирғин" жараёни бўлди. Собиқ СССРнинг "жазо машинаси" ҳисобланмиш НКВД томонидан 1937 йил 30 июль куни тасдиқланган 00447-рақамли мутлақо махфий буйруққа кўра қатағон 5 августда "барча республикалар ва вилоятларда, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон ССРлар"да бошланиши белгиланган эди. Аммо, Ўзбекистон НКВДси раҳбарлари июль ойининг ўрталаридаёқ қатағон машинасини ишга тушириб юборган эдилар. Бу даврда давлат, фан, маданият арбоблари, зиёлилар, уламолар, ҳаттоки оддий инсонлар ҳам қатағон домига тортилдилар.

Ҳозиргача аниқланган маълумотларга қараганда, СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси ҳамда ЎзССР НКВД ҳузуридаги "учлик" томонидан чиқарилган ҳукмга кўра 575 нафар қашқадарёлик "Катта қирғин" қурбони бўлган.



Совет мустабид тузумининг қатағон сиёсати фашизмга қарши урушнинг қийинчиликларига қарамасдан урушдан кейинги йилларда ҳам коммунистик фирқа раҳнамолигида бошқа мустамлака ўлкалари қаторида Ўзбекистонда “улуғ салтанатчилик” ва миллий зулм сиёсатини янада авжига чиқарди.

1940 йиллар охири – 1950 йиллар бошида Ўзбекистон зиёлиларининг энг илғор қисмига қарши қаратилган қатағонлик қиличи яна бир қатор ёзувчилар, шоирлар, олимлар ҳамда бошқа кўплаб маданият арбоблари бошига тушди. Бу жараён тобора авж олиб, икки йўналишда ривожланди: биринчидан, аҳоли онгига мафкуравий таъсир кўрсатиш кучайтирилди; иккинчидан, тўғридан-тўғри жазо чоралари қўлланилди. Ушбу жараёнлар оқибатида кўплаб қашқадарёликлар ноҳақ қатағон қурбонига айланишди. Бугунги кунда олиб борилган изланишлар натижасида улардан 44 нафари 1940–1950 йиллар қатағон даври қурбони бўлганлиги аниқланди.

XX асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан ўзбек халқига нисбатан оммавий қатағонларнинг янги босқичи бошланди. “Пахта иши” деб ном олган ушбу сиёсий кампания орқали ўзбек халқи шаънига турли туҳмат ва бўҳтонлар ёғдирилиб, минг-минглаб бегуноҳ инсонлар жазога тортилди. Олиб борилган кейинги ўрганишларга кўра, биргина қашқадарёликлардан 816 нафар киши ноҳақ айбловлар билан жиноий жавобгарликка тортилганлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган статистик маълумотлар 1860–1990 йилларда Россия империясининг мустамлака даври ва совет мустабид тузими даврида жабру зулм кўрган, жонини фидо қилган, ноҳақ айбловлар билан жазоланган ватандошларимиз сони тўғрисидаги якуний рақамлар эмас. Қатағон қурбонларини номма-ном аниқлаштириш ва хотира китобларининг кейинги жилдларини нашр қилиш орқали уларнинг хотирасини абадийлаштириш ишлари давом этмоқда.

Қашқадарё вилояти бўйича “Қатағон қурбонлари” Хотира китобининг 1-жилдига 2025 нафар жабрдийда қашқадарёликлар ҳақида мухтасар маълумотлар киритилди холос.



Мазкур китобни тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архиви, Қашқадарё вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси тизимига кирувчи вилоят ва туман давлат архивлари шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архиви, Ўзбекистон Республикаси Олий суди архиви, Қашқадарё вилояти жиноий ишлар суди архиви, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси архиви, Ўзбекистон Миллий давлат архиви, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси шаҳар ва туман бўлинмалари, Маҳалла хайрия жамоат фонди вилоят бўлими шаҳар ва туман бўлинмалари, Қашқадарё вилоят Халқ таълими бошқармаси шаҳар ва туман бўлинмалари ҳамда Саидо-Насафий номидаги Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхонаси маълумотларидан фойдаланилди. Бу борада номлари юқорида кўрсатиб ўтилган идора ва ташкилотларга яқиндан ҳамкорлик қилгани учун миннатдорчилик билдирамиз.

Т.ф.д., доц. Д.Ж. Рахматова,
Қарши давлат университети тузилмасидаги
Қатағон қурбонлари хотираси
музейи директори



ҚИСҚАРТМА СЎЗЛАР

БХСР	–	Бухоро Халқ Совети Республикаси
ГПУ	–	Давлат сиёсий бошқармаси
ДҲК	–	Давлат хавфсизлик хизмати
ИИХК	–	Ички ишлар халқ комиссарлиги
КПСС	–	Совет Иттифоқи Коммунистик партияси
НКВД	–	Ички ишлар халқ комиссарилиги
РСФСР	–	Россия Совет Социалистик Федератив Республикаси
СССР	–	Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи
ТАССР	–	Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси
ЖК		Жиноят кодекси
ЖПК	–	Жиноят-процессуал кодекси
ЧК	–	Фавқулодда комиссия
ЎзССР	–	Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси



ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИДА ҚАТНАШГАНИ УЧУН ЖАЗОЛАНГАНЛАР

(1860–1916 йиллар)

А

АРАБОВ Шамабай Палван Ильбеги – 1861 йилда туғилган. Халқ қўзғолони иштирокчиси. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Б

БАКИРОВ Мингли Мирзабоши – 1870 йилда Катта Ўрин волостида туғилган. Халқ қўзғолони иштирокчиси. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Ж

ЖЎРАБЕК – 1840 йилда Китоб беклигига қарашли Гулгунпўш қишлоғида туғилган. Китоб беги. Халқ қўзғолони етакчиси. 1906 йилда вафот этган.

Т

ТАНГРИҚУЛОВ Хўжамқул хожи – 1870 йилда Катта Ўрин волостида туғилган. Халқ қўзғолони иштирокчиси. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Х

ХЎЖАЕВ Мансур Саид Муҳаммадхўжа Эшон – 1860 йилда Беҳбудий уезди, Касби қишлоғида туғилган. Имом. Халқ қўзғолони иштирокчиси. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ ҚУРБОНЛАРИ

(1917–1924 йиллар)

А

АБДУЛҲОФИЗХЎЖА Фаёзхўжа ўғли – Шаҳрисабз туманида туғилган. 73 ёшида қамоққа олинган. “Аксилинқилобий” ташкилот раҳбарларидан бири сифатида икки ғалаёнда иштирок этганликда айбланган. Мол-мулки, ери мусодара этилган. Сургун қилинган.

АБДУРАИМОВ Хайрулла – 1907 йилда Чироқчи тумани, Қораяntоқ қишлоғида савдогар оиласида туғилган. Совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий фаолиятда айбланган. ТАССР ЖКнинг 64-моддаси билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАҲИМОВ Чоршанби – 1897 йилда Ғузор тумани, Батош қишлоғида туғилган. Имом. 1920 йилда диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

АБДУШУКУР – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Қизил масжид маҳалласида мударрис бўлган. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

АБДУҲАЛИЛОВ мулло Турсун – Байдоқчи қишлоғида амир амалдори – жевачи. Қизил армияга қаршилик ҳаракати иштирокчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУҲАКИМОВ Рашид – 1903 йилда туғилган. Мироҳурнинг ўғли. Совет ҳукуматига қарши қуролли қаршилик ҳаракати аъзоларига ёрдам берганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Б

БОЗОРОВ Самандар – Қашқадарё ҳудудида истиқомат қилган. 1924 йил 8 июнда ТАССР ЖКнинг 184-моддасининг 2-қисми, 76-моддасиниг 1-қисми билан айбланган. Мол-мулки давлат ҳисобига мусодара этилган. Олий жазога ҳукм қилинган.



Д

ДОНИЁРБЕК – Қаршида туғилган. У Совет ҳокимиятига қарши бўлган аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбари ва фаолларидан бўлганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ДОНИЁРОВ Муҳаммадшо – 1884 йилда Беҳбудий уезди, Қамаши қишлоғида туғилган. Мироҳур. 1923 йилда Бухоро халқ совет республикаси бош сиёсий бошқармаси (ГПУ) томонидан қаршилик ҳаракати иштирокчиларига ёрдам беришда айбланган. Қамоққа олинган, 5 ойдан сўнг озод этилган.

Ж

ЖАВЛИЕВ Ғаффор – Яккабоғ тумани, Икромов номли кишлоқда туғилган. Совет тузумига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЖАЛИЛОВ Шукрулло Махсум – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Зоғза маҳалласида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Қамоққа олинган. Сургун қилинган.

ЖАЛОЛОВ Жўра – Бешкент тумани ижройи қўмитаси раисининг муовини. “Аксилинқилобий ташкилот”га мансублиги учун қамоққа олинган. Беҳбудийдан Бухорога сургун қилинган. Сургунда 5-6 ой бўлиб, сўнгра БХСР ҳукумати томонидан авф этилган ва Беҳбудий шаҳрига қайтиб келган.

ЖАМОЛИДДИНОВ Икромиддин – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Қўрғонча маҳалласида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Қамоққа олинган. Сургун қилинган.

ЖЎРАЕВ мулло Абдуҳамид – 1900 йилда Касби тумани, Дўрмон қишлоғида туғилган. Деҳқончилик билан шуғулланган. 1924 йилда қамоққа олинган. 1940 йилда Фарғона каналини қазишда иштирок этган, ўша жойдан озодликка чиқарилган.

ЖЎРАЕВ Саманқул – 1886 йилда Гувалак қишлоғида туғилган. 1916–1919 йилларда жевачи. 1923–1924 йилларда қаршилик харакати



иштирокчиларига ёрдам берганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

З

ЗАРИПОВ Эрниёз – 1878 йилда Ташуқ қишлоғида туғилган. 1923-1924 йилларда қаршилик ҳаракати иштирокчиларига ёрдам берганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

И

ИБОДУЛЛОҲ – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Худойзод маҳалласида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

ИГАМБЕРДИЕВ Абдурауф – Қашқадарё ҳудудида истиқомат қилган. 1924 йилнинг 8 июнида ТАССР ЖКнинг 184-моддасининг 2-қисми, 76-моддасининг 1-қисми билан айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

ИКРОМ Хожи – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Чармгар мадрасасида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

ИМОМ Хожи – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Кўчкак мадрасасида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

ИРГАШЕВ Холмурод – Яккабоғ тумани, Икромов номли кишлоқда туғилган. Қаршилик ҳаракати иштирокчиларига ёрдам берганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИНОТУЛЛАЕВ Хўжаназар – 1862 йилда Беҳбудий уезди, Қамаши волостига қарашли Денов қишлоғида туғилган. Йирик бой, мироҳур унвонидаги амир амалдори. Деҳқончилик билан шуғулланган. 1924 йилда қаршилик ҳаракати иштирокчиларига ёрдам берганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



К

КАРИМОВ Ёрқул – 1873 йилда Оброн қишлоғида туғилган. 1924 йилда қаршилик ҳаракати иштирокчиларига ёрдам берганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

КАРИМОВ Равшан – 1877 йилда Оброн қишлоғидан. 1924 йилда қаршилик ҳаракати иштирокчиларига ёрдам берганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

М

МАЛИКХОН – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Қўрғонча маҳалласида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Қамоққа олинган. Сургун қилинган.

МАЪМУРОВ Ислом – 1873 йилда Косон туманида туғилган. Амир амалдори. 1917-1920 йилларда қаршилик ҳаракати иштирокчиларига ёрдам берганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МИРЗО УМРБОҚИЙ – 1878 йилда туғилган. Беклик девонида мирзалик қилган. 1920 йилда ҳукумат топшириғини бажармаганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукум қилинган.

МУРОД калта Оқсоқол – 1883 йилда Катта Ўрин волостида туғилган. ТАССР ЖКнинг 76-моддасининг 11-қисми билан айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

МЎМИНХЎЖАЕВ мулло Нуриддин Ҳожи – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Ҳарамжўй маҳалласида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

МУҲАММАД Эшон – Шаҳрисабз тумани, Катта Чуютон қишлоғида туғилган. Аксилинқилобий ғалаён қатнашчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



Н

НЕВОРХЎЖАЕВ Садат хўжа – 1858 йилда Касби тумани, Бехбудий уездида туғилган. ТАССР ЖКнинг 76-модда 1-2-қисмлари билан айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

НОСИРХЎЖАЕВ Ислом – 1899 йилда туғилган. Бухоро округ назорат комиссиясининг собиқ раиси. 1924 йилда қаршилик ҳаракати иштирокчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

НУРИДДИН хўжа ОҒОЛИҚ – Қарши шаҳрида туғилган. Амир Сайид Олимхонга яқин ва унга таъсири катта бўлган. 1920 йил охирларида Беҳбудий (Қарши) уезди инқилобий қўмитаси раиси. Аксилинқилобий фаолияти етакчиси бўлганликда айбланган. 1924 йил куз фаслида олий жазога хукм қилинган.

П

ПЎЛАТОВ мулло Холиқул – 1891 йилда Косон туманида туғилган. 1917–1930 йилларда имомлик қилган. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

ПЎЛАТХЎЖАЕВ Нажмиддинхўжа – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Зоғза маҳалласида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

Р

РЎЗИБЕК Қоровулбеги – 1862 йилда туғилган. Тавунбек қишлоғида қоровулбеги. 1922 йилда қаршилик ҳаракати иштирокчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

С

САИД – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Тутак дарвоза маҳалласида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилиган.



СОБИРОВ Файзуллахўжа – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Ҳарамжўй маҳалласида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

СОДИҚОВ Зокир – 1900 йилда туғилган. Самарқандга партия мактабига ўқишга юборилган. Бухоро инқилоби даврида совет ҳокимиятига қарши курашган. 1923–1924 йилларда савдо-соттиқ билан шуғулланган деган айблов билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Т

ТАНГРИБЕРДИ додхоҳ – Тангиҳарам (Деҳқонобод) туманининг Хачча қишлоғидан бўлган. Совет тузумига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ТОҒАЙБЕК – 1919 йилнинг ўрталарида Қарши шаҳрига ҳоким қилиб тайинланган. 1920 йил 7 сентябрда Қаршида бошланган советларни ағдариб ташлашга қаратилган қуролли қўзғолон бошида турганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ТЎЛАНОВ мулло Сафар – 1870 йилда Оқжангал қишлоғида туғилган. Имом. 1922–1923 йилларда қаршилик ҳаракати иштирокчиларига ёрдам берганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

У

УБАЙДУЛЛАЕВ – Ғузор туманидаги Қовчин қишлоқ шўросининг раиси. 1923 йилда қаршилик ҳаракати иштирокчиларига ёрдам берганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Ф

ФАЙЗИЕВ Абдуқодир – Қашқадарё ҳудудида истиқомат қилган. 1924 йил 8 июнда ТАССР ЖКнинг 184-моддасининг 2-қисми, 76-моддасининг 1-қисми билан айбланган. Мол-мулки давлат ҳисобига талон-тарож қилинган. Халқ қўзғолони ҳаракати иштирокчиси. Олий жазога ҳукм қилинган.



ФОЗИЛЖОН Тўқсабо ўғли – Шаҳрисабз тумани, Сангиохур маҳалласида туғилган. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Х

ХИДИРНАЗАРОВ Маҳмуд – 1860 йилда туғилган. Оврон қишлоғидан. 1914–1924 йилларда қоравулбегилик қилган. Совет тузумига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ХИДИРОВ мулло Соат – Деҳқонобод туманидаги Оқмачит қишлоқ совети раиси (Кўкабулоқ). Хатиб. Совет тузумига қарши чиққанликда айбланган. 1924 йилда қамоққа олинган.

ХОЖИЕВ Нусратуллахон Домулло – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Тутак дарвоза маҳалласи муфтийси. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

ХОНКЕЛДИЕВ Рўзи – 1883 йилда Гувалак қишлоғида туғилган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси. Аксилинқилобий қулоқлар гуруҳида бўлганликда, унинг йиғинларида иштирок этганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ХУДОЙБЕРДИЕВ Назар – 1893 йилда Китоб тумани, Хўжайиспарас қишлоғида туғилган. “Қулоқ”қа тортилган. Совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий фаолиятда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ХУДОЙБЕРДИЕВ Холибек – Қашқадарё ҳудудида истиқомат қилган. 1924 йил 8 июнда ТАССР ЖКнинг 184-моддасининг 2-қисми, 76-моддасининг 1-қисми билан айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

Ш

ШОДИЁР – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Чармгар мадрасасида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.



ШОҲИМАРДОНҚУЛОВ Абдураҳмон – Белибойли қишлоқ шўроси раиси. Қаршилик ҳаракати иштирокчиси сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Э

ЭШОНОВ Муҳаммадқул – Қишлоқ шўроси раиси. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ЭШОНҚУЛ – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Жизагузар маҳалласида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

Ю

ЮСУПОВ мулло Муҳаммад Мурод – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Хўжагузар мадрасасида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

ЮСУПОВ мулло Нуриддин – Беҳбудий шаҳрида туғилган. Ҳарамжўй мадрасасида мударрис. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. Сургун қилинган.

Ҳ

ҲАЙДАРОВ Муҳаммадамин – 1896 йилда Ғузор тумани, Замбибобо қишлоғида туғилган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

ҲАКИМОВ Ўроқ – 1876 йилда Косон тумани, Муйдин қишлоғида туғилган. Имом. "Аксилинқилобчи" сифатида айбланган. Сургун қилинган.

ҲАМИДОВ Юсуф – 1865 йилда Косон туманида туғилган. 1917–1920 йилларда қоровулбеги бўлган. 1923–1924 йилларда Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



ТУРЛИ СИЁСИЙ АЙБЛОВЛАР ВА “ҚУЛОҚ”ЛАШТИРИШ ҚУРБОНЛАРИ

(1925–1936 йиллар)

А

АБДУЛЛА Қодирий (Танбурий) – 1896 йилда Шаҳрисабз шаҳридаги Ҳазрати имом қишлоғида туғилган. Амир Олимхон саройи девонида мирзалик қилган. Бекнинг боласи эканлигини, Амир Олимхон девонида мирзо бўлганлигини, амирликда «Заррин қалам» унвонини олганлигини яшириб, мансабдор бўлиб юргани сабабли “давлат душмани” сифатида айбланган. Сургун қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Шамси – Беҳбудий шаҳар советига қарашли Сталин колхози сувчиси. Пахтанинг сувидан ўз томорқасини суғорганликда айбланган. 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУЛЛАЕВ Ҳуррам – 1926–1931 йиллардаги Шаҳрисабз туманида халқ қўзғолони иштирокчиси. ЎзССР ЖКнинг 64, 14 ва 78-моддалари билан айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАЗЗОҚОВ Шамсиддинхон – Беҳбудий шаҳри, Лағмон қишлоғида туғилган. Аксилинқилобий ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Сургун қилинган.

АБДУРАҲМОНОВ Омонқул – 1908 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АБДУРАҲИМОВ Поён – 1905 йилда Яккабоғ тумани, Чўмич қишлоғида туғилган. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АБДУРАҲИМОВ Қувват – 1883 йилда Ғузор туманида туғилган. Деҳқон. Лангар қишлоғида яшаган. Атрофдагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиги учун 1929 йил 1 ноябрда қамоққа олинган. ЎзССР ЖКнинг 67 ва 78-моддалари билан айбланган. 5 йилга концлагерга сургун қилинган. 2022 йил 6 январда оқланган.

АБДУРАШИДОВ Бекмурод – 1897 йилда туғилган. Косон туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.



АБДУРАИМОВ Ҳасан – 1884 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АБДУСАТТОРОВ Маҳмарайимбек – 1888 йилда Беҳбудий уезднинг Жумабозор волостига қарашли Бойғунди қишлоғида туғилган. Бой бўлган. 1927 йил 6–9 июлда совет ҳукуматига қарши аксилинқилобий фаолиятда айбланган. Мол-мулки мусодара этилган. Олий жазога ҳукм қилинган.

АБДУФАТТОҲОВ Турдихон – Беҳбудий шаҳри, Каманди қишлоғида туғилган. Аксилинқилобий ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Сургун қилинган.

АБЛАҚУЛОВ Шукур – 1912 йилда Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. 1934 йили ҳайвон ўғирлаганликда айбланган. 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазони ўтаб қайтган. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда такроран айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

АБРАЕВ Жалил – 1900 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 7 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АВАЗОВ Рустам – 1902 йилда туғилган. Яккабоғ туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АВАЗОВ Жўра – 1883 йилда туғилган. Бешкент туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АВАЗОВ Алиқул – Китоб тумани жамоа хўжалиги аъзоси. Сувдан нотўғри фойдаланганликда айбланаган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АВАЗОВ Маҳматқобил – Қамаши тумани, Дўнгсанчиқул қишлоғида туғилган. Кўп йиллар мобайнида Қоратепа қишлоқ кенгаши раиси бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий фаолиятида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



АВАЗОВ Нурхон – 1901 йилда Ғузор тумани, Халқабод селсовети, Қўшқудуқ қишлоғида туғилган. Колхозчи. Отини колхозга бермаганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Қамоқхонада вафот этган.

АВАЗОВ Боқи – 1903 йилда Шаҳрисабз тумани, Наматон қишлоғида туғилган. Аксилинқилобий ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АВЛАЕВ Шавруқ – 1903 йилда Шаҳрисабз тумани, Наматон қишлоғида туғилган. Деҳқон. “Қулоқ” қилинган.

АДИНАЕВ (Одинаев) Кенжа – 1900 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АЗИЗОВ Абдурауф – 1902 йилда Беҳбудий тумани, Араб қишлоғида туғилган. 1928 йилда ЎзССР ЖКнинг 186-моддаси бўйича 8 йилга озодликдан маҳрум этилган. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда такроран айбланган ва 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган.

АЗИЗОВ Нурулло Ҳожи – ижроия қўмита раиси. Аксилинқилобий ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЗИЗОВ (Азимов) Эргаш – 1898 йилда туғилган. Бешкент туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АЗИМОВ Рустам – 1882 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АЗИМОВ Қаҳҳор – Бешкент тумани, Гавзан қишлоғида туғилган. Аҳоли орасида тарғибот олиб борганликда, колхозчиларни тантанали митингга чиқмасликка чақирганликда айбланган. Сургун қилинган.

АЛИЕВ Узоқ Муҳаммад – 1877 йилда Алачоб қишлоғида туғилган. 1923-1925 йилларда Совет ҳукуматига қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



АЛИЕВ Усмон Банди – Аксилинқилобий ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. 1927 йилда қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АЛИМОВ Шариф – Шаҳрисабз туманида туғилган. Деҳқон. 1933 йилнинг 27 октябрида ЎзССР НКВД «учлиги» томонидан 5 йилга сургун қилинган.

АЛИМОВ Мўъмин – 1896 йилда туғилган. Бешкент туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АЛИҚУЛОВА Бебудхон Бекназаровна – 1922 йилда Касби туманида туғилган. Колхозда ишчи. Сургун қилинган. Бедарак йўқолган.

АЛЛАЕВ Мусто – 1900 йилда Ғузор тумани, Батош қишлоғида туғилган. Колхозчи. Давлат сиёсатига қарши чиққанликда айбланган. Сургун қилинган. Қайтиб келгандан сўнг Батош қишлоғида яшаган.

АЛЛАЕВ Сафар – Ғузор тумани, Батош қишлоғида туғилган. Колхозчи. Давлат сиёсатига қарши чиққанликда айбланган. Сургун қилинган. Қайтиб келгандан сўнг Батош қишлоғида яшаган.

АЛЛАМУРОДОВ мулло Олимқул – Ирис қишлоқ совети раиси. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АМАКОВ Амирқул – 1911 йилда Шойхўжа қишлоғида туғилган. Аксилинқилобий фаолиятида айбланган. 1933 йил 29 августда Беҳбудий тумани халқ суди томонидан қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АМАНОВ Тапар – 1913 (1912) йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АМАНОВ Раим – 1900 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АМИНОВ Жўра – Совет ҳукуматига қарши бўлганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



АМИНОВ Мусталим – 1929 йил 17 сентябргача Ғузор тумани ижроия қўмитасининг раиси вазифасида ишлаган. Меҳнатсиз хўжаликларни тугатишда фаол қатнашганликда айбланган. 4 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АМИНОВ Муҳаммад – Беҳбудий тумани, Маҳаллот қишлоғида туғилган. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АМИНОВ Ражаб – Беҳбудий тумани, Чақар қишлоғида туғилган. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига хукм қилинган.

АМИНОВ Бобожон – 1909 йилда туғилган. Косон туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АМИРХОНОВ Абдуллажон – Беҳбудий тумани, Маҳаллот қишлоғида туғилган. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АМОНҚУЛОВ Эшонқул – Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. 1927 йилда қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АМОНОВ Боқи – Беҳбудий тумани, Хўжа Хиёл қишлоғида туғилган. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АНОРОВ Расул – 1907 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АРАЛОВ (Бегимқулов) Файзи – 1910 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 8 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АРБОБОВ Раҳмон Санақул – 1860 йилда туғилган. Комилон қишлоғидан. Толишбида амир оқсоқоли бўлган. 1922 йилда ҳукуматга қарши



ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АРЗИҚУЛОВ Азим – 1908 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АСТАНОВ Раҳмон – 1908 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АСТАНОВ Тухли – 1886 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АСТАНОВ (Остонқулов) Аҳмад – 1892 йилда Ғузор туманидаги Бесоқол қишлоғида туғилган. Деҳқон. Сургун қилинган.

АТАЕВ (Отаев) Ҳайдар – 1886 йилда Косон тумани, Косон қишлоғида туғилган. “Компромсоюз”да ишчи. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АҲМАДОВ Қодир – Беҳбудий тумани, Хўжа Хиёл қишлоғида туғилган. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АҲМАДОВ Маҳмуд – 1878 йилда Деҳқонобод тумани, Яна қишлоғида туғилган. Имом. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси. Атрофдагиларга доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АҲМЕДОВ (Аҳмадов) Музаффар – 1869 йилда Яккабоғ тумани, Хўжаилғор қишлоғида туғилган. Оқтош қишлоқ советидаги Музрабод қишлоғида яшаган. Деҳқон. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АҲМАДОВ Мардон – 1909 йилда Косон тумани, Танибек қишлоғида туғилган. 1928 йилда давлат мажбуриятини бажармаганликда айбланган. 1935 йилда олий жазога ҳукм қилинган.



АҲМАДОВ Келдиёр – 1904 йилда туғилган. Косон туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АШУРОВ Муҳаммадшо – Округ молия бўлими мудири. Собиқ амир амалдори, жевачи. Хўжалиги помешчик турдаги хўжалик сифатида тугатилган. 1929 йил 28 январда округ молия бўлими вазифасидан бўшатилиб, сургун қилинган.

АШУРОВ Шауман – 1876 йилда Беҳбудий тумани, Мағзон қишлоғида туғилган. Қишлоқ имоми. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. 1936 йил 10 декабрда қамоққа олинган. 1990 йил 12 майда оқланган.

АШУРОВ Рўзибой – 1902 (1900) йилда туғилган. Косон туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АТАМУРАДОВ (Отамуродов) Тўра Кўкчи – 1898 йилда туғилган. Беҳбудий туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 10 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

АЧИЛЕВ Абдурасул – 1907 йилда туғилган. Яккабоғ туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

Б

БАБАБЕКОВ Тош – 1906 йилда туғилган. Бешкент туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БАБАМУРАТОВ Абдумажид – 1928 йил 30 сентябрда ЎзССР Жиноят кодексининг 13 ва 186-моддаларига кўра айбланган. Қашқадарё округ суди томонидан 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БАБАМУРАТОВ Берди – 1894 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 8 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.



БАБАМУРАТОВ (Бобомуродов) Шукур – 1900 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қиланган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БАБАМУРАТОВ (Бобомуродов) Йўлдош – 1895 йилда туғилган. Яккабоғ туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 10 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БАБАДЖАНОВ Исмоил – 1912 (1909-1910) йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БАБАТОВ Жумақул – 1898 йилда туғилган. Бешкент туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БАДАЛОВ Райим – Сувчи. Пахтани сувга бостирганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БАДАЛОВ Нормурод - 1898 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Деҳқон. Тухлибой қишлоғида яшаган. Атрофдагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиги учун 1929 йил 25 ноябрда қамоққа олинган. ЎзССР ЖКнинг 67 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга сургун қилинган. 2022 йил 6 январда оқланган.

БАДРИДДИНОВ Ҳамиддинхон – Беҳбудий шаҳридаги “Одина” масжидининг имом-хатиби. 1929 йил 19 сентябрда қамоққа олинган. Сургун қилинган.

БАКИРОВ Рустам – 1907 йилда Ғузор тумани, Манғит қишлоғида туғилган. Атрофдагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда ва “Мусулмонобод” тикланиши тўғрисида тарғибот олиб борганликда айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

БАЙМАНОВ Мулла – 1886 йилда туғилган. Бешкент туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.



БАЙНАЗАРОВ Чори – 1900 йилда туғилган. Яккабоғ туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БАЙБУТАЕВ Қодирбой – 1897 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БАҚОХОН Мерган – 1924 йилда бўлиб ўтган бухороликлар қўзғолонида иштироқ этиб, халқни босқинчиларга қарши отлантирганликда айбланган. Қўзғолон вақтида қўлга олиниб, отиб ўлдирилган.

БАРАТОВ Баҳром – 1882 йилда Касби қишлоғида туғилган. 1923–1924 йилларда ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БАРАТОВ Ҳайдар – 1916 йилда Косон тумани, Олчин қишлоғида туғилган. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

БАРАТОВ Рўзи – 1908 йилда туғилган. Бешкент туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қиланган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БАЗАРОВ Алиқул – 1904 йилда туғилган. Яккабоғ туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БЕКМУРОДОВ Соат – Қорабайир қишлоғидан. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БЕКНАЗАРОВ Рустам – 1887 йилда Косон тумани, Сариқ қишлоғида туғилган. Деҳқон. Сургун қилинган.

БЕРДИЕВ Абдурайим – Қарши тумани, Мирмирон қишлоқ шўроси, “Маданият” колхози ҳисобчиси. Сургун қилинган.

БЕРДИЕВ Бобо – Китоб тумани, жамоа хўжалиги аъзоси. Сувдан нотўғри фойдаланганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



БЕРДИЕВ Мирзарасул – 1881 йилда Қашқадарё округи, Бешкент қишлоғида туғилган. Баққол. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БЕРДИЕВ Нурали – 1902 йилда Шаҳрисабз қишлоғида туғилган. 1928 йили "қаршилик"да иштирок этганлиги учун 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БЕРДИЕВ Холли – 1880 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 10 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БЕРДИЕВ Намоз – 1897 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БЕРДИЕВ Санақул – 1908 йилда туғилган. Косон туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БЕРДИЕВ Рустам – 1884 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БЕРДИЕВ Қурбонназар – 1902 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БЕРДИМУРОДОВ Дониёр – 1907 йилда Беҳбудий тумани, Араб қишлоғида туғилган. 1935 йилда Совет ҳукуматига қарши чиққанликда айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

БЕРДИМУРОДОВ мулла Турди – 1884 йилда Пўлати қишлоғида туғилган. Имом. Совет ҳукуматига қарши "аксилинқилобчи" сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БЕХБУТОВ Бўрон – 1909 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.



БЕХБУТОВ Турсунбой – 1889 йилда туғилган. Бешкент туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БЕКБЎТАЕВ Ҳайдар – 1897 йилда Ғузор туманида туғилган. Деҳқон. Тоғора қишлоғида яшаган. Атрофдагилар орасида мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиги учун 1930 йил 18 февралда қамоққа олинган. ЎзССР ЖКнинг 67 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга сургун қилинган. 2022 йил 6 январда оқланган.

БОБИЛОВ Эшим – 1900 йилда Ғузор тумани, А.Темур қишлоғида туғилган. Бойнинг боласи бўлганликда айбланган. Қамоққа олинган. 1987 йилда Ғузор туманида вафот этган.

БОБМУРОДОВ Мўъмин – 1896 йилда туғилган. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОЕВ Орзиқул Катта – 1889 йилда Қашқадарё округи, Бешкент қишлоғида туғилган. Бешкент судининг иш юритувчиси. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОЕВ Эргаш – 1902 йилда Шаҳрисабз тумани, Синабоғ қишлоғида туғилган. 1930 йилда ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОҚУЛОВ Ҳайит – Беҳбудий шаҳридаги Молотов номли мактаб ўқув бўлими мудири. Аксилинқилобий фаолиятида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОБОНАЗАРОВ Насруллоҳ – Шаҳрисабз тумани, Мўминобод қишлоғида туғилган. Мулкдор бўлганлиги сабабли сургун қилинган.

БОБОШЕВ Холмурод – 1907 йилда Косон тумани, Гувалак қишлоғида туғилган. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Олий жазога ҳукм қилинган.

БОЗОРОВ Йўлдош – 1897 йилда Бешкент тумани, Кожор қишлоғида туғилган. “Қизил қаҳрамон” колхозида молиячи. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



БОЙБОБОЕВ мулла Акабой – 1867 йилда Деҳқонобод тумани, Яна қишлоғида туғилган. Руҳоний – эшон. Колхозчилар орасида доимий равишда колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, совет ҳокимиятига норозилигини билдирганликда ва “аксилинқилобчи” сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОЙМАТОВ Бердимурод – 1926-1931 йиллардан Шаҳрисабз туманида халқ қўзғолони харакати иштирокчиси бўлган. ЎзССР ЖКнинг 64, 14, 78-моддалари билан айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОЙМАТОВ мулла Санақул – 1871 йилда Косон тумани, Оқжангал қишлоғида туғилган. Имом. Қулоқлар исёнчи гуруҳи аъзоси бўлганликда, доимий равишда колхозчилар орасида исёнчилик, мағлубиятчилик, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БОЙҚОБИЛОВ Дўстқобил – 1860 йилда туғилган. Яккабоғ туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БОЙНАЗАРОВ Мелли – 1893 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

БОҚИЕВ мулла Жаббор – 1889 йилда Косон туманида туғилган. Масжидда имом бўлган. 1932 йилда Сибирга сургун қилинган. Сургундан қайтмаган.

БОҚИХЎЖАЕВ Хожи Абдулазиз мулло – 1873 йилда Беҳбудий шаҳри, 1-туманига қарашли Хитой қишлоғида туғилган. Бой, қоровулбеги даражасидаги амир амалдори. Аксилинқилобий ташкилот аъзоси, уларни қўллаб-қувватлашда, ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришда айбланган. 1927 йил 6-9 июль кунлари бўлиб ўтган судда 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазони Бухородаги қамоқхонада ўташ белгиланган.

БОТИРОВ Бойқобил – 1914 йилда Яккабоғ тумани, Ўз қишлоғида туғилган. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



БОТИРХЎЖАЕВ Икромхўжа – 1877 йилда Қарши тумани, Патрон қишлоғида туғилган. Имом. Ҳукуматга қарши бўлганликда айбланган. 1926 йилда 49 ёшида қамоққа олинган. Айблов ўз исботини топмагач озод этилган. 1930 йилда шу айб билан яна қамоққа олинган. Суд ҳукми билан Сибирга сургун қилинган. Сибирда вафот этган.

БУЗРУКХЎЖАЕВ Мукаррамхон – Беҳбудий шаҳридаги "Ҳўжа Аҳрор" масжидининг имом-хатиби. Диний ишлар билан шуғулланганликда айбланган. 1929 йил 19 сентябрда қамоққа олинган. Сургун қилинган.

БЎРИЕВ Имом – 1927 йил 16 сентябрда ЎзССР Жиноят кодексининг 186-моддаси билан айбланган. Қашқадарё округ суди томонидан 8 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Кейинчалик жазо муддати қисқартилиб, 4 йилга озодликдан маҳрум қилишга алмаштирилган.

БЎРИЕВ Эшман – 1894 йилда туғилган. Чироқчи қишлоқ хўжалик Ўртоқлиги ширкат бошқаруви раиси. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Сургун қилинган.

БЎРОНОВ Даврон – 1989 йилда Косон қишлоғида туғилган. 1923-1924 йилларда ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БУХОРОВ Отақул – 1867 йилда Беҳбудий тумани, Узуннаво қишлоғида туғилган. Собиқ амирнинг амалдори – мирзабоши. 1933 йилда давлат мажбуриятини бажармагани учун мажбурий меҳнатга ҳукм қилинган. 1936 йил "аксилинқилобчи" сифатида айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Г

ГАФАРОВ Суюн – 1902 йилда туғилган. Косон туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

ГАФАРОВ (ГАФУРОВ) Мўъмин – 1894 йилда туғилган. Косон туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.



ГАФАРОВ Эшмат – 1905 йилда туғилган. Яккабоғ туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

ГАФАРОВ Қурбонназар – 1885 йилда туғилган. Косон туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 14 ва 78-моддалари билан айбланган. 3 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

Д

ДАВЛАТОВ (ДАВЛЕТОВ) Эшмурод – 1892 йилда туғилган. Косон туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

ДАВЛАТОВ Қудрат – 1898 йилда туғилган. Бешкент туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 5 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

ДАМИНОВ Аҳмад – Чироқчи тумани, Қоратепа қишлоғида туғилган. Мулкдор бўлганлиги сабабли сургун қилинган.

ДОНИЕВ Эсон – 1894 йилда Деҳқонобод тумани, Омонбой қишлоғида туғилган. Совет ҳукуматига қарши чиққанликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ДОНОЕВ мулло Худоёр – 1877 йилда Пўлати қишлоғида туғилган. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ДЎСТМУРОДОВ Эрка Амин – 1881 йилда Беҳбудий уездидаги Парғуза волостига қарашли Никуз қишлоғида туғилган. “Қўшчи” иттифоқининг раиси. “Асилинқилобий ташкилот”га аъзо бўлганлиги ва уларга ёрдам берганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ДЎСТМУРОДОВ Берди – 1898 йилда туғилган. Ғузор туманида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 78-моддаси билан айбланган. 8 йилга концлагерга ҳукм қилинган. 2023 йил 19 апрелда оқланган.

ДЎСТОВ Бобо – 1864 йилда Китоб тумани, Алақўйлиқ қишлоғида туғилган. Деҳқон. Сургун қилинган.



ДЎСТОВ Қўшвоҳид – 1907 йилда Обиканда қишлоғида туғилган. 1930 йилда ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ДЎСТОВ Ражаб – 1872 йилда Китоб тумани, Варганза қишлоғида туғилган. Ҳукуматга қарши ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борганликда айбланган. Сургун қилинган.

ҒАНИЕВ Махмуд – 1915 йилда Шаҳрисабз тумани, Хўжа Муродбаҳши қишлоғида туғилган. 1937 йил 19 августда қамоққа олинган. 1937 йил 3 ноябрда ЎзССР НКВД "учлиги" томонидан олий жазога ҳукм қилинган.

ҒОИПОВ мулла Эшниёз – 1877 йилда Деҳқонобод тумани, Сангмулла қишлоғида туғилган. Диндор. 1937 йил 22 августда қамоққа олинган. "Аксилинқилобчи" сифатида айбланган. 1937 йил 17 ноябрда ЎзССР НКВД "учлиги" томонидан 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилинган. 1990 йил 13 августда оқланган.

Ҳ

ҲАЙДАРОВ Зиёд – 1907 йилда Беҳбудий тумани, Кўчкак қишлоғида туғилган. Имом. "Аксилинқилобчи" сифатида айбланган. 1937 йил 27 августда 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилинган. 1990 йил 13 августда оқланган.

ҲАЙИТОВ Юсуф – 1902 йилда Беҳбудий тумани, Каманди қишлоғида туғилган. Колхозчи. "Аксилинқилобчи" сифатида айбланган. 1937 йил 22 августда 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилинган.

ҲАКИМОВ Ўроқ – 1876 йилда Косон тумани, Муйдин қишлоғида туғилган. Имом. "Аксилинқилобчи" сифатида айбланган. 1937 йил 17 августда қамоққа олинган. 1990 йил 13 августда оқланган.



ҲАЛИМОВ Жовли – 1913 йилда Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. Сартарош. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1937 йил 1 февралда қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ҲАМЗАЕВ Нодир – 1903 йилда Китоб тумани, Чукрак қишлоғида туғилган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1937 йил 1 августда қамоққа олинган. 1937 йил 3 ноябрда ЎзССР НКВД “учлиги” томонидан олий жазога ҳукм қилинган.

ҲАСАНОВ мулла Кенжа – 1862 йилда Косон тумани, Майманоқ қишлоғида туғилган. Имом. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1937 йил 22 августда қамоққа олинган. 1990 йил 13 августда оқланган.

ҲАСАНОВ Мухторхон – 1881 йилда Беҳбудий тумани, Парғуза қишлоғида туғилган. Имом. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1937 йил 11 июлда қамоққа олинган. 1990 йил 13 августда оқланган.

ҲОЖИЕВ Ёқуб – 1898 йилда Яккабоғ тумани, Қозоқ қишлоғида туғилган. Эшон. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1937 йил 26 июлда 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилинган.

ҲОЖИНАЗАРОВ Бойхон – 1897 йилда Беҳбудий тумани, Янгимозор қишлоғида туғилган. Собиқ амир амалдори. Колхозчи. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1937 йил 21 августда 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилинган.

ҲОЛМИЗАЕВ Турсунбой – 1908 йилда Ғузор тумани, Мавлонбек қишлоғида туғилган. Уполкомзак инспектори. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1937 йил 1 октябрда қамоққа олинган. 1937 йил 17 ноябрда ЎзССР НКВД “учлиги” томонидан 8 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилинган.

ҲОЛНИЁЗОВ Жуманазар – 1905 йилда Косон тумани, Чори Етим қишлоғида туғилган. “Каганович” колхози ферма мудири. 1937 йил 17 сентябрда қамоққа олинган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1937 йил 17 ноябрда ЎзССР НКВД “учлиги” томонидан 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилинган. 1989 йил 15 сентябрда оқланган.



ХЎЖАЕВ Кенжа – 1913 йилда Китоб тумани, Жовуз қишлоғида туғилган. 1937 йил 19 февралда қамоққа олинган. 1937 йил 3 ноябрда ЎзССР НКВД "учлиги" томонидан олий жазога ҳукм қилинган.

ҲУЖАҚУЛОВ Номоз – 1888 йилда Яккабоғ тумани, Хонимқўрғон қишлоғида туғилган. 1937 йил 25 августда қамоққа олинган. "Аксилинқилобчи" сифатида айбланган. 1937 йил 17 ноябрда ЎзССР НКВД "учлиги" томонидан 8 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм қилинган. 1989 йил 15 сентябрда оқланган.

ҲУСАНОВ Шариф – 1897 йилда Шаҳрисабз тумани, Кераит қишлоғида туғилган. "Аксилинқилобчи" сифатида айбланган. 1937 йил 24 февралда қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



1940–1950 ЙИЛЛАР ҚАТАҒОНЛАРИ

А

АЗИЗОВ Ризақул Полвон – 1900 йилда Бешкент райони, Қамаши қишлоғида туғилган. Колхозчи. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 1941 йил 12 сентябрда қамоққа олинган. 1989 йил 22 ноябрда оқланган.

АҲМЕДОВ Раҳмат – 1922 йилда Ғузор шаҳрида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йил 22 июнда асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

АҲМЕДОВ Холбой – 1918 йилда Ғузор райони, Шакарбулоқ қишлоғида туғилган. Колхозчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йил май ойида асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Б

БОЗОРОВ Ғаппор – 1920 йилда туғилган. Деҳқонобод райони, Галабулоқ қишлоғида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 140-моддаси 1-қисми билан айбланган. 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

БОЗОРОВ Отамурод – 1900 йилда Бешкент райони, Касби қишлоғида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 234-моддаси 3-қисми билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Д

ДОНИЁРОВ Мусаллам – 1912 йилда Бешкент райони, Қамаши қишлоғида туғилган. Темирчи уста. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 1941 йил 10 сентябрда қамоққа олинган. 1989 йил 22 ноябрда оқланган.



Ж

ЖЎРАЕВ Тўра – 1926 йилда Ғузор райони, “Каганович” колхозида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 226-моддаси д-қисми билан айбланган. 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

ЖЎРАЕВ Қурбон – 1910 йилда туғилган. Диндор. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 1953 йил 6 мартда қамоққа олинган. 1990 йил 13 августда оқланган.

И

ИМОМОВ Саттор – 1922 (24) йилда Ғузор райони, Гулшан қишлоғида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йилнинг февралида асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ИСМАТОВ (Шерматов) Йўлдош – 1913 йилда Ғузор райони, Савбоғ қишлоғида туғилган. Совхозда оддий ишчи. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 25 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1978 йилда вафот этган.

ИСМОИЛОВА Хатижа – 1923 йилда туғилган. Қарши шаҳрида қурилиш-монтаж ташкилотида фаррош. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 1953 йил 17 апрелда қамоққа олинган. 1988 йил 16 декабрда оқланган.

М

МИРЗАЕВ Абдирайим – 1928 йилда туғилган. Диндор. “Халқ душмани” сифатида айбланган. Туркистон Ҳарбий округи Самарқанд гарнизони ҳарбий трибунали томонидан 1949 йил 9 декабрда 6 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 2019 йил 30 апрелда оқланган. 2008 йилда вафот этган.

МЕЙЛИЕВ Тошмурод – 1920 йилда Ғузор райони, Шакарбулоқ қишлоғида туғилган. Колхозчи. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси. 1942



йил 10 декабрда асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Н

НАЖМИДДИНХОН Ҳомидхон ўғли – 1917 йилда Китоб райони, Сариосиё қишлоғида туғилган. Диндор. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси. 1942 йил май ойида асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 1948 йилда 25 йилга озодликдан маҳрум этилган. 1978 йилда вафот этган.

НАСРИТДИНОВ Сайфулла – 1894 йилда Косон райони, Косон қишлоғида туғилган. “Горький” колхози аъзоси. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 1941 йил 6 октябрда қамоққа олинган. 1989 йил 20 октябрда оқланган.

П

ПАРМОНОВ Тўйчи – 1922 йилда Ғузор райони, Гулшан қишлоғида туғилган. Колхозчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йил июль ойида асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Р

РАИМОВ Жума – 1902 йилда Миришкор райони, Чандир қишлоғида туғилган. Деҳқончилик билан шуғулланган. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қозоғистон ССР Қарағанда вилоятига 16 йилга сургун қилинган. 1956 йил 16 июнда 13 йилдан сўнг озод этилган. 1993 йилда вафот этган.

РАХИМОВ Жалил – 1888 йилда Қарши райони, Яккабоғ қишлоғида туғилган. “Охунбобоев” номли фермада мудир бўлиб ишлаган. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 1941 йил 20 сентябрда қамоққа олинган. 1989 йил 20 ноябрда оқланган.



РАХИМОВ Абрай – 1870 йилда Деҳконобод райони, Обихшон қишлоғида туғилган. Имом. 1942 йил 25 июнда қамоққа олинган. ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир килганликда айбланган. Мол-мулкларини давлат фойдасига мусодара этилган. 1943 йил 5 январда олий жазога ҳукм қилинган.

РАҲМОНОВ Ибрагим – 1918 йилда Ғузор райони, Зангтепа қишлоғида туғилган. Ҳисобчи. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 25 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1955 йилда 10 йиллик қамоқдан сўнг озод қилинган.

РУСТАМОВ Чори – 1921 йилда Гулшан қишлоғида туғилган. Колхозчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1945 йил 20 февралда асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

С

САИБОВ Хусан – 1898 йилда Камаши райони, Чим қишлоқ совети Кахат қишлоғида туғилган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1942 йил 10 июлда 7 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

САЙФУЛЛАЕВ Ибот – 1908 йилда Ғузор райони, Янгикент қишлоғида туғилган. Колхозчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йил июль ойида асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

САМАДОВ Боймир – 1907 йилда Ғузор райони, Шакарбулоқ қишлоқ совети Оқтўнли қишлоғида туғилган. Хўжаликда ишчи. 1941–1945 йилларда иккинчи жаҳон урушига кетиб, асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Сургун қилинган. 2001 йилда вафот этган.

САФАРОВ Худоёр – 1927 йилда Ғузор райони, Зарбдор қишлоғида туғилган. Колхозчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йил 14 сентябрда асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



СИДДИҚОВ Сайфулла (Сайдулла) – 1863 йилда Бешкент райони, Қамаши қишлоғида туғилган. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 1941 йил 10 октябрда қамоққа олинган. 1989 йил 22 ноябрда оқланган.

СОЛИЕВ Хўжа – 1875 йилда туғилган. Амирлик даврида қоровулбеги вазифасида ишлаган. 1941 йил 18 ноябрда ЎзССР ЖКнинг 60-моддаси билан айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Т

ТОШЕВ Эшим – 1922 йилда Ғузор райони, Шакарбулоқ қишлоғида туғилган. Колхозчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йил август ойида асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ТЎЛАЕВ (ТУЛЛЯЕВ) Мирза – 1905 йилда Қарши райони, Хушвақт қишлоғида туғилган. Қишлоқ масжидида имомлик қилган. “Халқ душмани” сифатида айбланган. 1949 йил 9 декабрда 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1985 йили вафот этган. 2019 йил 30 апрелда оқланган.

Ф

ФАЙЗУЛЛАЕВ Ҳабиб – 1919 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1943 йилда асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 1948 йил 17 июлда НКВД «учлиги» харбий трибунали томонидан 25 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1955 йил 30 июнда оқланган. 2007 йил майда вафот этган.

Х

ХАДЖАЕВ Гулман – 1910 йилда Ғузор райони, Гулистон қишлоқ совети Чугуртма қишлоғида туғилган. Колхозчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1944 йил март ойида асирга тушган. Урушдан қайтгач,



совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ХОЛБОЕВ Панжи – 1919 йилда Ғузор райони, Шакарбулоқ қишлоғида туғилган. Колхозчи. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ХЎЖАМОВ Қўшоқ – 1914 йилда Ғузор райони, Янгикент қишлоғида туғилган. Колхозда ҳисобчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йил июль ойида асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ХУШМАНОВ Турдибой – 1910 йилда Ғузор райони, Қўштепа қишлоғида туғилган. Колхозчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йилда асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Ч

ЧУНАКОВ Саид – 1892 йилда туғилган. 1943 йил 5 январда ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 11-қисми билан айбланган. Мол-мулкларини давлат фойдасига мусодара этилган. Олий жазога ҳукм қилинган.

Ш

ШОДМОНОВ Нарзулла – 1925 йилда Ғузор райони, Бўстон қишлоғида туғилган. Колхозчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1943 йил июль ойида асирга тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Я

ЯКУБОВ Валихон (Мадат) – 1884 йилда Камаши районида туғилган. 1941 йил 4 октябрда ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 2-кисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда айбланган. 1942 йил 10 июлда олий жазога ҳукм қилинган.



ЯКУБОВ Маҳмуд – 1899 йилда Камаши райони, Чим қишлоқ совети Кахат қишлоғида туғилган. “Аксилинқилобчи” сифатида айбланган. 1942 йил 10 июлда 7 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Ў

ЎЖАРОВ Хуррам – 1923 йилда Ғузор райони, Шакарбулоқ қишлоғида туғилган. Хўжаликда ишчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Асирликда бўлган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Қ

ҚАРШИЕВ Шоди – 1904 йилда Бешкент райони, Қамаши қишлоғида туғилган. Колхозчи. Совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. 1941 йил 12 сентябрда қамоққа олинган. 1989 йил 22 ноябрда оқланган.

ҚОРИ АХМАД Акромхон ўғли – 1902 йилда Ғузор райони, Авғонбоғ қишлоғида туғилган. Колхозчи. 1951 йилда уйидан Ахмад Яссавийнинг ҳикматлар китоби чиққанлиги учун айбланган. 3 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Сибирга сургун қилинган. 1994 йил 19 апрелда 92 ёшида Ғузор райони Авғонбоғ қишлоғида вафот этган.

Ҳ

ҲАЙИТОВ Панжи – 1922 йилда Ғузор райони, Гулистон қишлоғида туғилган. Колхозчи. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 йил июнда асир тушган. Урушдан қайтгач, совет ҳокимиятига қарши фаолият олиб борганликда айбланган. Қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ҲАКИМОВ Сафар – 1907 йилда Бешкент райони, Жейнов қишлоғида туғилган. 1943 йил 16 октябрда НКВД Қашқадарё вилоят бўлими томонидан 1922-29 йиллар Германияда ўқиган, олий маълумотли деб ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси 2-қисми билан айбланган. 1943 йил 19 октябрда қамоққа олинган. 1944 йил 5 майда оқланган.



“ПАХТА ИШИ” ҚУРБОНЛАРИ

А

АБДИЕВ Жалол – 1951 йилда Қарши туманида туғилган. Нишон тумани, Ч.Бегимқулов номли совхознинг “Нишон” пахта заводида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-119-1, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари ҳамда 17 ва 153-моддаларининг 2-қисмлари билан айбланган. 6 йил озодликдан маҳрум қилинган. Мол–мулкини мусодара этиш ва 5 йилгача мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 12 апрелда оқланган.

АБДУЛЛАЕВ Ғайбулла – 1938 йилда туғилган. Бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149, 155 ва 153-2-моддаси билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 3 йилга моддий жавобгарлик ишларида ишлаш таъқиқланган. Мол-мулки мусодара этилган.

АБДУЛЛАЕВ Зоир – 1950 йилда Қамаши туманида туғилган. Усмон Юсупов тумани, 10-совхозда ишчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 2 йилга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 21 ноябрда оқланган.

АБДУЛЛАЕВ Суюн – 1932 йилда Ғузор тумани, “Киров” совхози, “Каприн” участкасида туғилган. Ғузор тумани, “Киров” совхозида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 2 йилга муайян ҳуқуқдан ва 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 21 февралда оқланган.

АБДУЛЛАЕВ Умирхон – 1948 йилда туғилган. Ульянов тумани, “Қашқадарё” совхози, “Ғалаба” пахта пунктининг 1-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 155-моддаси ва 152-моддасининг 2-қисми йиғиндиси билан 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

АБДУНАЗАРОВ Авазберди Бобоназарович – 1957 йилда туғилган. Таллимаржон тумани, №2 “Коммунист” совхозида статист. ЎзССР ЖК-



нинг 149, 155 ва 119-1-моддалари билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 2 йилга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 21 июнда оқланган.

АБДУРАХМОНОВ Комил – 1939 йилда туғилган. Ғузор тумани, "Партия XXII съезди" колхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149, 155 ва 153-моддасининг 2-қисми, ҳамда ЎзССР ЖКнинг 42, 40, 23-2-моддалари билан айбланган. 3 йилга меҳнатга мажбуран жалб қилиш билан шартли қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 3 йилгача муайян иш билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1991 йил 15 февралда оқланган.

АБДУРАХМОНОВ Ўрин Ахмадович – 1946 йилда Ульянов туманида туғилган. Ульянов тумани пахта тозалаш заводида чигит бўйича товаровед. ЎзССР ЖКнинг 149-1, 149, 155, 152-моддалари ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 22 февралда оқланган.

АБДУХАЛИЛОВ Абдинаби – 1949 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Ал-Хоразмий" совхозида агроном. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 17-149-1, 155, 40 ва 42-моддалари билан айбланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 5 йил муддатга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 19 апрелда оқланган.

АБЛАЕВ Нормурот – 1949 йил 30 апрелда Чироқчи тумани, Довтош қишлоғида туғилган. Чироқчи тумани, "Ильич" совхозида бош ҳисобчиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган ҳамда мол-мулки мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

АБРАЕВ Бозор Арзиевич – 1952 йилда Ғузор туманида туғилган. Ғузор пахта тозалаш заводига қарашли пахта қабул қилиш пунктида 2-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149, 149-1, 155-моддалари билан ва 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 6 йил озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 3 йил муддатга моддий жавобгарлик билан боғлиқ ишларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1991 йил 20 декабрда оқланган.



АВАЗОВ Искандар – 1933 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, “Москва” совхозида ишчи. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 12 апрелда оқланган.

АВАЗОВ Турди – 1933 йилда туғилган. У.Юсупов тумани, “Ульянов” 28-совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 2 йилга ахлоқ тузатиш иши белгиланиб, ойлик иш ҳақидан 20% давлат фойдасига ундирилиши белгиланган. 1991 йилда оқланган.

АВАЗОВ Ўткир – 1956 йилда туғилган. Косон тумани, маиший хизмат кўрсатиш комбинати ходими. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 2 йилга ахлоқ тузатиш иши белгиланиб, ойлик иш хақининг 20% давлат ҳисобига ундирилиши белгиланган. 1991 йил 16 августда оқланган.

АВАЗОВ Фармонқул Лутфуллаевич – 1957 йилда туғилган. У.Юсупов тумани, “Ульянов” 28-совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 5 йилга озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинган. 1991 йилда оқланган.

АДИЛГАЗИЕВ Сервир – 1924 йилда туғилган. Шаҳрисабз тумани, “Киров” совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 155 ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 3 йил муддатга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

АДИЛОВ Кадир – 1943 йилда туғилган. Қашқадарё областъ, Ульянов тумани, пахта тозалаш заводига қарашли “Муғлон” пахта қабул қилиш пунктида 2-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 152 ва 153-моддаларининг 2-қисми билан айбланган. 12 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, 4 йилга моддий жавобгарлик ишларида ишлашдан четлатилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

АЗИЗОВ Ғиёс Шарипович – 1940 йилда Китоб туманида туғилган. Китоб ноҳияси, “Партия XIX-съезди” совхозида участка агрономи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 11 йилга



озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилиб, 3 йилга моддий жавобгарлик ишларида ишлашдан четлатилган. 1991 йил 22 мартда оқланган.

АЗИЗОВ Худойқул – 1956 йилда туғилган. У. Юсупов тумани, "Ульянов" 28-совхозида пахта топширувчи вакил. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йилда оқланган.

АЗИМОВ Эгамберди – 1948 йилда туғилган. У.Юсупов ноҳияси, "Пахтакор" совхозида бош бухгалтер бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 78-2, 149, 149-1 ва 155-моддалари йиғиндиси билан ЖКнинг 40-моддасига асосан 15 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган.

АКБАЕВ Сайфулло Акбаевич – 1944 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, "Ленин" колхозида интемолог агроном. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йилга шартли мажбурий меҳнатга жалб этиш жазосига алмаштирилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

АКРАМОВ Ғайбулла – 1942 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Коммунизм" колхозида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 20 декабрда оқланган.

АЛИЕВ Абдиаҳат – Қашқадарё вилоятида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119-прим моддасидан 17-119-прим моддасига қайта квалификация қилиниб, 3 йил шартли равишда озодликдан маҳрум қилинган. Мажбурий меҳнатга жалб этилган.

АЛИҚУЛОВ Замон – 1940 йилда туғилган. Яккабоғ шаҳри, Гагарин кўчаси, 17-уйда яшаган. Яккабоғ пахта тозалаш заводида инженер. ЎзССР ЖКнинг 149-1, 149, 155, 119-1-моддалари ҳамда 152 ва 153-моддаларининг 2-қисмлари билан айбланган. 3 йил 1 ой 18 кунга озодликдан маҳрум қилинган. 5 йил муддатга мансабдорлик вазифаларида ишлашдан маҳрум қилиниб, мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 7 июнда оқланган.



АЛИҚУЛОВ Махмуд – 1940 йилда туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119-3-моддаси билан айбланган. 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР ЖКнинг 118-3-моддаси ва 154-модданинг 1-қисми билан айбланган.

АЛИҚУЛОВ Холиқул – 1936 йилда туғилган. Яккабоғ тумани, "Энгельс" колхозида бригадир. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 119-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. Мажбурий меҳнатга жалб қилинган. 1991 йил 7 июнда оқланган.

АЛИМОВ Дўсмат Чориевич – Нишон туманида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддасидан 17-119-1-моддасига қайта квалификация қилиниб, 3,5 йил шартли равишда озодликдан маҳрум қилинган. Мажбурий меҳнатга жалб этилган.

АЛИМОВ Қурбон – 1950 йилда туғилган. У.Юсупов тумани, Миришкор қишлоғида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 17-149-1, 119-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, шартли жазога ҳукм қилинган. 1991 йил 15 мартда оқланган.

АЛИМОВ Шаймардон – 1947 йилда туғилган. Нишон тумани, "Нишон" совхози марказида яшаган. Нишон тумани Гулбоғ совхозида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 149, 17-119-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 2 йил муддатга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 24 майда оқланган.

АЛИМОВ Шодмон – 1929 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи туманидаги 33-сонли касб-ҳунар билим юрти директор ўринбосари. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳамда мол-мулклари давлат фойдасига мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

АЛИЯРОВ Абдижаббор – 1953 йилда туғилган. Таллимаржон тумани, №2 "Коммунист" совхозида яшаган. Таллимаржон тумани №2 "Коммунист" совхозида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 149, 17-119-1 ва 155-модда-



лари билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мажбурий меҳнатга жалб қилинган. 1992 йил 20 сентябрда оқланган.

АЛИЯРОВ Сафар – 1947 йилда туғилган. Таллимаржон тумани, №2 "Коммунист" совхозида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 149, 17-119-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, мажбурий меҳнатга жалб этилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

АЛЛАДУСТОВ Джонмурод – 1942 йилда туғилган. Нишон тумани, "Пахтаобод" совхози директори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 2 йилга мажбурий меҳнатга жалб этилган. Мол-мулки мусодара этилган. 3 йилга рахбарлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

АЛЛАЕВ Усмон – 1920 йилда Китоб туманида туғилган. Китоб тумани, Дониёршайх қишлоғида яшаган. Китоб тумани, "Партия XIX-съезди" совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилиб, 3 йилга моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 22 мартда оқланган.

АЛЛАЁРОВ Мамаша – 1926 йилда Баҳористон туманида туғилган. Баҳористон тумани, Помиқ қишлоғида яшаган. Қамаши тумани, партия комитетида 1-котиб. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 155, 149-1 ва 149-моддалари билан ҳамда 78-моддасининг 1-қисми, 152-моддасининг 2-қисми ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 13 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1992 йил 24 апрелда оқланган.

АЛЛАЁРОВ Нормурод – 1940 йил 15 декабрда Чироқчи туманида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149, 155-моддалари билан 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 3 йил муддатга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1990 йил 6 октябрда оқланган.

АЛЛАМХАНОВ Қаландар – 1956 йилда Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, аҳолига маиший хизмат



кўрсатиш комбинати пахта титиш цехи мудири. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 155-моддалари ва 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР ЖКнинг 338-модддаси 1-қисмига кўра саломатлиги туфайли тузалгунча ҳукм ижроси кечиктирилган. Мол-мулки мусодара этилган. 1990 йил 10 октябрда оқланган.

АЛЛАНАЗАРОВ Ибрагим – 1946 йилда туғилган. Чироқчи тумани, Умакай қишлоғида яшаган. 1981 йилдан собиқ Кўкдала тумани, "В.И.Ленин" совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149 ва 155-моддалари билан ҳамда 17-153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

АМАНОВ Аловхон – 1934 йилда туғилган. Қашқадарё областъ, Китоб тумани, "Китоб массиви" пахта тозалаш пункти 1-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 23 сентябрда оқланган.

АМИНОВ Абдухалим Ғуломович – 1948 йилда Ульянов туманида туғилган. Ульянов тумани, пахта тозалаш заводи директори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йилга муайян ҳуқуқдан ҳамда 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 22 февралда оқланган.

АМИНОВ Нурали – 1948 йил 16 декабрда Китоб тумани, "Пахтаобод" қишлоқ советига қарашли Дукчи қишлоғида туғилган. Шаҳрисабз тумани, пахта тозалаш заводига қарашли "Муборак" массивидаги пахта қабул қилиш пунктининг 1-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 2 йил 11 ой 10 кунга озодликдан ҳамда 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган. 1991 йил 9 декабрда оқланган.

АННАМУРОДОВ Муродилло – 1942 йилда туғилган. Нишон тумани, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати директори. ЎзССР ЖКнинг 149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 169-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йил 29 мартда оқланган.

АРЗИҚУЛОВ Дилмурод – 1941 йилда туғилган. Косон тумани, "Ленин" совхози бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари



билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 24 майда оқланган.

АРТИҚОВ Махмуд Қосимович – 1951 йилда туғилган. Талимаржон тумани, №2 “Коммунист” совхозида яшаган. Талимаржон тумани, №2 “Коммунист” совхозида экономист. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 2 йил муддатга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

АСАДОВ Ибодулла Хайитович – 1945 йилда туғилган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЎзССР ЖКнинг 42 ва 40-моддаларига асосан 2 йилга ахлоқ тузатиш иши белгиланиб, ойлик иш ҳақидан 20% давлат фойдасига ундирилиши белгиланган. 1991 йилда оқланган.

АСАЛОВ Бахтиёр – 1956 йилда туғилган. Таллимаржон тумани, №3 Самарқанд совхозида яшаган. Таллимаржон тумани, №3 Самарқанд совхозида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йилга озодликдан ҳамда 2 йил муддатга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1992 йил 20 сентябрда оқланган.

АСҚАРОВ Фозил – 1954 йилда туғилган. Кассир. 1986 йилда ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 1994 йил 28 декабрда оқланган.

АХМЕДОВ – Шаҳрисабз тумани, №27 мактабда ўқитувчи. 1985 йилда Қашқадарё вилоят суди томонидан жиноий иш очилган. Пахта иши бўйича судланувчиларнинг ёнини олгани учун жавобгарликка тортилган.

АХМЕДОВ Қобил – 1933 йилда Қарши туманида туғилган. Косон тумани, “Ленин” совхозида хазиначи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган**.** 1991 йил 24 майда оқланган.

АХМЕДОВ Махмуд – 1945 йилда туғилган. У.Юсупов тумани, Жейнов пахта тозалаш заводи директори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 152-2, 149, 149-1,



151 ва 155-моддалари билан айбланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони кучли тартибда ўташ белгиланган. Мол-мулки мусодара этилган. 3 йилга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 7 июнда оқланган.

АХМЕДОВ Мухтор – 1956 йилда туғилган. Муборак тумани, Жданов №31 совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йилда оқланган.

АХМЕДОВ Ортиқ – 1955 йилда туғилган. Яккабоғ шаҳри, А.Икромов кўчаси, 14-уйда яшаган. Яккабоғ пахта тозалаш заводи директори. ЎзССР ЖКнинг 149-1, 149, 119-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган ҳамда мажбурий меҳнатга жалб қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 7 июнда оқланган.

АХМЕДОВ Ҳасан – 1948 йилда туғилган. Ғузор тумани, "ВЛКСМнинг 50 йиллиги" совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 17-153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 3 йил муддатга моддий жавобгарлик билан боғлиқ ишда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

АХМЕДОВ Шукурулло – 1951 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, С.Айний номидаги мактабда ўқитувчи. ЎзССР ЖКнинг 169-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 6 ой 7 кун озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 21 июнда оқланган.

АЧИЛОВ Ибрагим – 1933 йилда туғилган. Қарши тумани, партия қўмитасининг бош котиби. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1 ва 17-149-1-моддалари билан айбланган. 3 йилга мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан шартли равишда озодликдан маҳрум қилинган. 2 йилга раҳбарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 20 декабрда оқланган.

АЧИЛОВ Турсун Бозорович – 1948 йилда Чироқчи шаҳрида туғилган. Собиқ Кўкдала тумани, "В.И.Ленин" совхозида бўлим бошлиғи. ЎзССР



ЖКнинг 119, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

АШИРОВ Бурон – 1933 йилда Қарши туманида туғилган. Қарши тумани, Потрон қишлоғида яшаган. "Москва" совхозида гидротехник. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 2 йилга синов муддати билан ва 3 йил муддатга шартли озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 18 февралда оқланган.

АШИРОВ Тухтамурод – 1954 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Правда 25 йиллиги" колхозида "Бобур" номли мактаб ўқитувчиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 22 апрелда оқланган.

АШУРОВ Бурҳон – 1950 йилда Китоб тумани, "Севаз" қишлоқ фуқаролар советига қарашли Қорамерган қишлоғида туғилган. Бригада бошлиғи. 1986 йил 25 мартда 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1990 йил 30 мартда озод этилган.

АШУРОВ Жўра – 1951 йилда туғилган. У.Юсупов тумани, Миришкор қишлоғида яшаган. 26-совхози пахта заводида вакил. ЎзССР ЖКнинг 17-149-1, 119-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йил 15 мартда оқланган.

АШУРОВ Қодир – 1939 йилда Шаҳрисабз тумани, Мўминобод қишлоғида туғилган. Шаҳрисабз "Социализм" колхозининг пахта ҳосилини топширувчиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йилга шартли озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 16 августда оқланган.

АШУРОВ Тўхтамурод – 1954 йилда туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Правда 25 йиллиги" колхозида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 28 апрелда оқланган.

АШУРОВ Холмахмат – 1934 йилда Ғузор туманида туғилган. Ғузор тумани, "Карл Маркс" колхозида ер ўлчовчиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-



1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР ЖКнинг 43-моддасини қўллаб 3 йилга шартли жазо берилган. 1991 йил 18 мартда оқланган.

АШУРОВ Шароп – 1931 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Социализм" колхозида бригадир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 11 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

Б

БАБАДЖАНОВ – 1985 йилда суд томонидан жиноий иш очилган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 153-2, 155-моддалари билан айбланган. 6 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

БАБАЕВ Очил – 1935 йилда Усмон Юсупов туманида туғилган. Усмон Юсупов тумани, "Пахтакор" совхози директори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1990 йил 4 январда оқланган.

БАБАМУРАДОВ Йўлдош – 1932 йилда туғилган. Китоб тумани, "Свердлов" колхозида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 11 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилан. 5 йилга ҳисоб-китоб ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 12 апрелда оқланган.

БАБАЯРОВ Ақбута Хужаевич – 1943 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, 51-совхозида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 119-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган.

БАВАНОВ Маҳамаражаб – 1957 йилда Чироқчи туманида туғилган. Муборак тумани, 4-а сон "Тарбия" совхозида ишчи. ЎзССР ЖКнинг 119-



1, 149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 5 йилга озодликдан ҳамда 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган**.** 1990 йил 26 октябрда оқланган.

БАДАЛОВ Мурод – 1938 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти, Нишон "Самарқанд" совхози директори бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119, 149, 149-1 ва 155-моддалари йиғиндиси билан ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан 12 йил жазони кучайтирилган режим колонияларида ўташлик белгиланган.

БАЙНАЗАРОВ Мурод – 1935 йилда туғилган. Китоб тумани, 5-пахта тозалаш заводида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 149-1-моддалари билан айбланган. 11 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жазони кучайтирилган режим колонияларида ўтаган. Мол-мулки давлат ҳисобига мусодара қилинган. 3 йилга раҳбарликда ишлаш хуқуқидан маҳрум этилган. 1986 йил 26 декабрда оқланган.

БАИРОВ Матниёз Хатамович – 1950 йилда Муборак туманида туғилган. Муборак тумани, "Гулистон" №30 совхозида №1 бўлим бошлиғи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йилга шартли равишда озодликдан маҳрум қилиниб, мажбурий меҳнатга жалб қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1990 йилда оқланган.

БАКИРОВ Хасан – 1932 йилда Яккабоғ тумани, Бўтасой қишлоғида туғилган. Яккабоғ тумани, "Шарқ юлдузи" колхозида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йилга муайян ҳуқуқдан ҳамда 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 15 мартда оқланган.

БАРАКАЕВ Зиядулла – 1939 йилда туғилган. Косон-1 пахта тозалаш заводига қарашли 30-сонли Гулистон пахта қабул қилиш пунктида 2-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 152-2, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 14 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 19 апрелда оқланган.



БАРАТОВ Очил Тўраевич – 1951 йилда Ульянов туманида туғилган. Ульянов тумани, “Москва” совхозида чорвачилик бўйича ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йил 8 ой 9 кунга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 30 майда оқланган.

БАРАТОВ Саинаби Нурманович – 1949 йилда туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йилга шартли равишда озодликдан маҳрум қилинган ҳамда мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 19 апрелда оқланган.

БАРАТОВ Туймурод – 1949 йилда туғилган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149 ва 155-моддалари ҳамда ЖКнинг 42 ва 40-моддаларига асосан 2 йилга ахлоқ тузатиш иши белгиланиб, ойлик иш ҳақидан 20% давлат фойдасига ундирилиши белгиланган. 1991 йилда оқланган.

БАРИЕВ Энвер – Ульянов туманида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119, 153 ва 149-моддалари билан айбланган. 10 йил озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган.

БАРОТОВ Карим – Ульянов туманида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119, 153 ва 149-моддалари билан айбланган. 10 йил озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган.

БАХРИДДИНОВ Баходир – 1946 йилда туғилган. Қашқадарё трансэкспедиция бирлашмасида ПТО инженери. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 4 йилга озодликдан ҳамда 2 йил муддатга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1992 йил 20 сентябрда оқланган.

БАХРИНОВ Қўзибой – 1955 йилда туғилган. Чироқчи тумани, Умакай қишлоғида яшаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 3 йилга шартли жазога алмаштирилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

БЕГМАТОВ Очил – 1928 йилда Косон туманида туғилган. Муборак тумани, “ВЛКСМ 60 йиллиги” совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-моддаси 1-қисми, 149-моддаси 1-қисми, 155-моддаси ва 153-модда-



синининг 2-қисми билан айбланган. 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган ҳамда мол-мулки мусодара этилган. 3 йилга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 24 майда оқланган.

БЕГМАТОВ Панжи Паянович – 1951 йилда туғилган**.** Қашқадарё вилояти, Нишон райони "К.Маркс" совхози, "Нишон" пахта тозалаш заводи қошидаги пахта тайёрлаш пунктидаги вакили бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 40 ва 42-моддалари тартибида 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

БЕЙТУЛЛАЕВ Аблаким Абдивоитович – 1957 йилда туғилган. Чироқчи заводида техника назорати бошлиғи. ЎзССР ЖКнинг 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йил озодликдан маҳрум қилинган ҳамда 2 йил синов муддати берилган. 1990 йил 28 декабрда оқланган.

БЕКМУРОДОВ Ширин Тўраевич – 1949 йилда Ульянов туманида туғилган. Ульянов пахта тозалаш заводи қошидаги Муғлон пахта қабул қилиш пунктида 2-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 152-моддаси 2-қисми ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 7 йилга озодликдан ҳамда 3 йилга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 24 майда оқланган.

БЕКНАЗАРОВ Зиёдулла – 1934 йилда Яккабоғ туманида туғилган. Яккабоғ тумани, "Қизил Ўзбекистон" колхози раиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 2 йилга муайян ҳуқуқдан ҳамда 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

БЕКЧАЕВ Очил – 1947 йилда туғилган. Совхозда ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 155-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилинган. 3-349-сонли жиноят иши бўйича Қарши тумани "Москва" совхози ва халқ маорифи бўлимининг талабномалари қондирилиб озод қилинган.

БЕРДИЕВ Азамат – 1957 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Москва" совхози ишчиси. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 149-моддасининг 2-қисми билан айбланган.



8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган**.** 1991 йил 12 апрелда оқланган.

БЕРДИЕВ Андижон – 1943 йилда туғилган. Китоб тумани, “Охунбобоев” совхози пахта топширувчи вакили. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган, мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган ҳамда 5 йилгача моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 12 апрелда оқланган.

БЕРДИЕВ Ашурқул Мамадиевич – 1950 йилда 7 ноябрда Шаҳрисабз тумани, “Октябрь” посёлкасида туғилган. Шаҳрисабз тумани, пахта тозалаш заводига қарашли Шаҳрисабз туманининг Муборак массивидаги пахта қабул қилиш пунктида лаборатория мудири. ЎзССР ЖКнинг 17-149 ва 155-моддалари билан ҳамда 119-моддасининг 1-қисми билан айбланган. 2 йил 11 ой 10 кунга озодликдан ҳамда 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган. 1991 йил 9 декабрда оқланган.

БЕРДИЕВ Бўри – 1932 йилда туғилган. Яккабоғ тумани, маиший хизмат кўрсатиш комбинатида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149 ва 155-моддалари ҳамда 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони кучайтирилган режимдаги ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларда ўтаган ҳамда мол-мулки мусодара этилган. 3 йилга ҳисобчи вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш белгиланган. 1991 йил 21 июнда оқланган.

БЕРДИЕВ Назар – 1931 йилда Косон туманида туғилган. Косон тумани, “Ворошилов” колхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 153-2-моддалари билан ЖКнинг 42-моддаси қўлланиб, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Шу муддатда шартли равишда мажбурий меҳнатга жалб этилган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

БЕРДИЕВ Орол – 1940 йилда туғилган. Чироқчи тумани, “Ворошилов” совхозида бўлим бошлиғи. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини меҳнатга мажбуран жалб қилиш билан алмаштирилган. Мол-мулки мусодара этилган. 3 йилга моддий жавобгар-



лик билан боғлиқ бўлган ишда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1990 йил 11 октябрда оқланган.

БЕРДИЕВ Раҳмат – 1944 йилда туғилган. Чироқчи тумани, “Ворошилов” совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 2 йил муддатга иш ҳақининг 20% давлат фойдасига ундириш шарти билан ахлоқ тузатиш ишига жалб этилган. Мол-мулки мусодара этилган. 3 йилга моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган ишда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1990 йил 11 октябрда оқланган.

БЕРДИЕВ Эргаш – 1934 йилда Ғузор туманида туғилган. Ғузор тумани, “Карл Маркс” колхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17, 149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йил озодликдан маҳрум қилинган. 3 йилга шартли жазо белгиланган. 1991 йил 18 мартда оқланган.

БОБАТОВ Фозил Умирқулович – 1956 йилда туғилган. Нишон тумани, “Пахтаобод” совхозида пахта топширувчи вакил. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларини қўллаб, 2 йилга ахлоқ тузатиш иши тайинланиб, ҳар ой иш ҳақидан 15% давлат фойдасига ундириш белгиланган. 3 йилга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

БОБОДАНАЕВ Нусратулло – 1946 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, “Охунбобоев” совхозида агроном. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 119-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

БОБОДУСТОВ Турақул – 1948 йилда туғилган. Нишон тумани, “Пахтаобод” совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари йиғиндиси билан айбланган. 2 йилга ахлоқ тузатиш иши тайинланиб, ҳар ой иш хақидан 20% давлат фойдасига ундириш белгиланган. 3 йилга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.



БОБОДЎСТОВ Турсунмурод – 1950 йилда туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119 ва 152-моддасининг 2-қисми ҳамда 149 ва 155-моддаларида назарда тутилган жиноятлар билан ЎзССР ЖКнинг 42-моддасини қўллаб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган.

БОБОЕВ Темур Саидович – 1953 йилда Усмон Юсупов туманида туғилган. Усмон Юсупов тумани, №21 "Тошкент" совхозида бош бухгалтер. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 2 йил муддатга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 21 ноябрда оқланган.

БОБОЁРОВ Шухрат Ғаниевич – 1955 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Ленин" колхози раиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 11 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 5 йил муддатга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 19 апрелда оқланган.

БОБОЁРОВ Эшқобил – 1928 йилда туғилган. Ғузор тумани, "М.Хасанова" совхозида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари билан ҳамда 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 15 февралда оқланган.

БОБОКУЛОВ Ахад – 1936 йилда Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Энгельс" колхозида бош агроном. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 2 йилга мансабдорлик лавозимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1991 йил 5 апрелда оқланган.

БОБОҚУЛОВ Ғофур Мажидович – 1953 йилда Ульянов туманида туғилган. Усмон Юсупов тумани, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармасида бухгалтер. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149-1, 149 ва 155-моддалари билан ҳамда 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 10 йилга



озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йилда 20 мартда оқланган.

БОБОҚУЛОВ Тилов – 1928 йилда Яккабоғ тумани, Шаманқирғиз қишлоғида туғилган. Яккабоғ тумани, "Ульянов" колхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 10 йил озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 7 июнда оқланган.

МАМАТОВ Шерқул – 1956 йилда туғилган. Таллимаржон тумани, "Коммунист" совхозида ёрдамчи ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 155-моддаларига асосан 3 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, мажбурий меҳнатга жалб қилинган. 1991 йил 24 майда оқланган.

МАМАТРАИМОВ Исроил – 1946 йилда Баҳористон туманида туғилган. Баҳористон тумани, 27-совхозида гидротехник. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган ҳамда мажбурий меҳнатга жалб қилинган. 1991 йил 4 январда оқланган.

МАМИЛОВ Чори – 1947 йилда туғилган. Баҳористон тумани, 25-сонли пахтачилик совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан



10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 3 йил муддатга ҳисобчилик лавозимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1990 йил 4 январда оқланган.

МАНСУРОВ Гадай – 1926 йилда Китоб тумани, “Навоий” совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 21 июнда оқланган.

МАРКАЕВ Доли Ражабович – 1959 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, “Ленин” колхозида 2-бригада табелчиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йилга шартли озодликдан маҳрум қилинган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

МАРКАЕВ Холмамат – 1928 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, “Ленин” колхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17,149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йилга шартли озодликдан маҳрум қилинган. 1990 йил 20 октябрда оқланган.

МАТҚУРБОНОВ Азамат – 1951 йилда туғилган. Янгибозор тумани хўжаликлари агрокоммунал ремонт қилиш корхонасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1988 йил 19 февралда оқланган.

МАХАМАДИЕВ Боймамат – 1926 йилда туғилган. Косон тумани, “Шарқ юлдузи” колхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 6 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 3 йилга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 12 апрелда оқланган.

МАХАМОВ Тоштемир – 1956 йилда туғилган. Нишон тумани, “Пахтаобод” совхозида пахта топширувчи вакил. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларини қўллаб, 2 йилга ахлоқ тузатиш иши тайинланиб, ҳар ой иш ҳақидан 20% давлат фойдасига ундириш белгиланган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

МАХАТОВ Раззоқ Бозорович – 1949 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, “Ленин” колхозида ҳисобчи. ЎзССР ЖК-



нинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 5 йил муддатга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 19 апрелда оқланган.

МАХМАДМУРАДОВ Хайдар Жумаевич – 1950 йилда Қамаши туманида туғилган. Нишон тумани, "Навбаҳор" совхозининг директори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 12 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 20 мартда оқланган.

МАХМАТКУЛОВ Шоймирза – 1947 йилда туғилган. Чироқчи ноҳияси аҳолига хизмат кўрсатиш бошқармасида директор вазифасида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 14 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган.

МАХМАТҚУЛОВ Бозор – 1933 йилда Ульянов туманида туғилган. Ульянов тумани, "Интернационал" совхозида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 6 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, 3 йилга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 24 майда оқланган.

МАХМУДОВ Ахматжон Рустамович – 1955 йилда Ульянов туманида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари ҳамда 154-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 9 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, 2 йил муддатга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

МАХМУДОВ Кенжа – 1939 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти, Ғузор ватний фабрикасида директор бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 8 йилга озодликдан маҳрум этилган.

МАХМУДОВ Мустафо – 1943 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Коммунизм" колхозида экономист. ЎзССР ЖКнинг



119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 1991 йил 22 апрелда оқланган.

МАХМУДОВ Сайли Муродович – 1950 йилда туғилган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 42 ва 40-моддаларига асосан 2 йилга ахлоқ тузатиш иши белгиланиб, ойлик иш ҳақидан 20% давлат фойдасига ундирилиши белгиланган. 1991 йилда оқланган.

МАҲМАТҚУЛОВ Шоймирза –1947 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, аҳолига хизмат кўрсатиш комбинати директори. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1 ва 155-моддалари ҳамда 17-152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

МАҲМАТОВ Боймамат – 1926 йилда Косон туманида туғилган. Косон тумани, "Шарқ Юлдузи" колхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳамда мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1991 йил 15 апрелда оқланган.

МЕЙЛИЕВ Эшназар Мустафаевич – 1957 йилда Китоб тумани, "Пахтаобод" совхозига қарашли Дукчи қишлоғида туғилган. Шаҳрисабз тумани массивидаги пахта қабул қилиш пунктида катта ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 2 йил 11 ой 10 кунга озодликдан маҳрум қилинган. 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган. 1991 йил 9 декабрда оқланган.

МЕЙЛИКУЛОВ Худойқул Алиқулович – 1958 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Ленин" колхозида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 10 йилга озодликдан ҳамда 4 йил муддатга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 19 апрелда оқланган.

МЕЙЛИҚУЛОВ Назар – 1931 йилда Ғузор тумани Қоркўмди қишлоғида туғилган. "К.Маркс" колхозида раис. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1



ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЎзССР ЖКнинг 43-моддасини қўллаб, 3 йилга шартли жазо берилган. 1991 йил 18 мартда оқланган.

МЕЙЛИМУРОДОВ Зиёдулла – 1936 йилда Ульянов туманида туғилган. "Қашқадарё" совхозида директор муовини. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 10 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, 3 йил муддатга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

МЕЛИЕВ Эшназар Мустафаевич – 1957 йил 15 декабрда Китоб тумани Пахтаобод қишлоқ советига қарашли Дукчи қишлоғида туғилган. Шаҳрисабз тумани, пахта тозалаш заводига қарашли Шаҳрисабз туманининг Муборак массивидаги пахта қабул қилиш пунктида катта ҳисобчи. ЎзССР ЖК нинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1990 йил 20 июлда оқланган.

МЕЛИКОВ Исроил – 1954 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти, Китоб райони, "Шарқ юлдузи" совхозида пахта топширувчи бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1 ва 155-моддалари ҳамда 196-моддасининг 1-қисми билан айбланган. 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

МЕЛИКОВ Тоир – 1932 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти, Китоб райони, "Шарқ юлдузи" совхозида пахта топширувчи бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 17-149 ва 155-моддалари билан айбланган. 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

МЕНГЛИЕВ Рахмон Ражабович – 1955 йилда туғилган. Таллимаржон тумани, №2 "Коммунист" совхозида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган ҳамда мажбурий меҳнатга жалб қилинган. 1991 йил 24 майда оқланган.

МИРЗАЕВ Жовли Боймуродович – 1940 йилда Қамаши туманида туғилган. Қамаши тумани, "Туқбой" пахта пунктида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149 ва 155-моддалари ҳамда 152-моддасининг 2-қисми



билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1987 йилда оқланган.

МИРЗАЕВ Ислом Мўминович – 1949 йилда Косон туманида туғилган. Косон тумани, 39-совхозида бош ҳисобчи ёрдамчиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 2 йил муддатга моддий жавобгарликда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1990 йил 4 январда оқланган.

МИРЗАЕВ Равшан Бердиевич – 1955 йилда туғилган. Қашқадарё областъ, Нишон тумани, пахта тозалаш заводи 2-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149, 149-1, 155 ва 151-моддалари ҳамда 152 ва 153-моддаларининг 2-қисми билан айбланган. ЎзССР ЖКнинг 40-моддасига асосан 11 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 4 йил муайян вазифада ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 24 майда оқланган.

МИРЗАЕВ Туймурод – 1950 йилда туғилган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 42 ва 40-моддасига асосан 2 йилга ахлоқ тузатиш иши белгиланиб, ойлик иш ҳақидан 20% давлат фойдасига ундирилиши белгиланган. 1991 йилда оқланган.

МИРЗАЕВ Хидир – 1933 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, “Охунбобоев” совхозида гидротехник. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 119-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

МИСБАХОВ Дуффак Юсупович – 1928 йилда туғилган. Ғузор тумани, Спутник кўчаси, 27-уйда яшаган. Ғузор тумани РПУда бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 17-119, 149 ва 155-моддалари ҳамда 152-моддасининг 2-қисми ва 118-моддасининг 2-қисми билан 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

МЎМИНОВ Қулмамат – 1942 йилда туғилган. Яккабоғ тумани, “24-Партия съезди” колхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1, 155 ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 10 йилга озодликдан



маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1991 йил 5 апрелда оқланган.

МУМИНОВ Шоди – 1933 йилда Китоб туманида туғилган. Китоб тумани, "Партия XIX-съезди" совхозининг "Парвозболалар" боғчаси хўжалик мудири. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 11 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 3 йилга моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 22 мартда оқланган.

МУМИНОВ Шодиқул – 1948 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "К.Маркс" совхози директори. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1 ва 155-моддалари ҳамда 149-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 5 апрелда оқланган.

МУРОДОВ Рустам Эргашевич – 1959 йилда Чироқчи туманида туғилган. Баҳористон тумани, "Помиқ" пахта қабул қилиш пунктида катта ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 3 йилга озодликдан маҳрум қилишга шартли ҳукм қилинган. 2 йил муддатга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 21 ноябрда оқланган.

МУРОДОВ Темур – 1937 йилда Чироқчи туманида туғилган. Кўкдала тумани, "Коммунизм" совхозида ғазначи. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 5 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

МУСТАФАЕВ Рўзимурод – 1955 йилда туғилган. Ғузор тумани, "М.Ҳасанова" совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ЎзССР ЖКнинг 23-2-моддасига асосан шартли ўташга ҳукм қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 15 февралда оқланган.

МУСТАФОЕВ Парда – 1923 йилда Чироқчи туманида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми



билан айбланган. 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

МУТТИЕВ Халиқул Аиқулович – 1958 йилда туғилган. Нишон тумани, "СССР 50 йиллиги" совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

МУХАММАДИЕВ Али – 1928 йилда Яккабоғ тумани, Чиброн қишлоғида туғилган. Яккабоғ тумани, "Правда" колхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 12 апрелда оқланган.

МУХАММАДИЕВ Сафар – 1934 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, "Ўзкомпартия 50 йиллиги" совхозида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1990 йил 9 декабрда оқланган.

МУХАММАДИЕВ Эргаш – 1935 йилда Яккабоғ тумани, Чиброн қишлоғида туғилган. Яккабоғ тумани, "Правда" колхози раиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 11 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 12 апрелда оқланган.

МУХТАРОВ Рустам – 1948 йилда Муборак тумани, Шейх қишлоғида туғилган. Муборак тумани, 5-а совхозида бўлим бошлиғи. ЎзССР ЖКнинг 17-149-1, 17-119-1 ва 155-моддалари ҳамда 17-153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 1991 йил 13 майда оқланган.

Н

НАБИЕВ Берди – 1950 йилда Шаҳрисабз тумани, Ёмчи қишлоғида туғилган. "Социализм" колхозининг Шаҳрисабз массивида кассир бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149 ва 155-моддалари билан айб-



ланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 16 августда оқланган.

НАБИЕВА Роҳат Эркаевна – 1936 йилда туғилган. Қарши тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатида тикув цехлари бўйича цех мудири бўлган. 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Жазони умумий режимли колонияда ўтаган. СССР Олий Совети Президиумининг 26 апрель 1985 йил "Совет халқининг 1941-1945 йилларда Улуғ Ватан урушидаги ғалабасининг 40-йиллиги" муносабати билан амнистияга тушиб, жазодан озод этилган.

НАВНИЁЗОВ Ҳайдар – 1945 йилда туғилган. Ульянов пахта тозалаш заводида слесарь, бош инженер бўлиб ишлаган. 3 йил шартли равишда озодликдан маҳрум қилинган. Кейинчалик унинг устидан қўзғатилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилиб озод этилган.

НАВРЎЗОВ Чўли Райимович – 1948 йил 5 октябрда Чироқчи тумани, Манғит қишлоғида туғилган. Чироқчи тумани, "Ильич" совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 43-моддасини қўллаб, 2 йилга синов муддати белгиланган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

НАЖИМОВ Одил – 1934 йилда туғилган. Қашқадарё областъ, Нишон тумани пахта тозалаш заводи 2-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149, 149-1, 155 ва 151-моддалари ҳамда 152 ва 153-моддаларининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 11 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 4 йилга муайян вазифада ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 24 майда оқланган.

НАЗАРОВ Жаббор – 1926 йилда туғилган. Шаҳрисабз туманидаги Киров номли узумчилик ва боғдорчилик совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддалари қўлланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

НАЗАРОВ Озод – 1950 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, Октябр МРО Узселхоз техникасида товаровед. ЎзССР ЖКнинг



149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 3 йилга шартлига алмаштирилган. 1991 йил 22 мартда оқланган.

НАЗАРОВ Хазрат – 1935 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти, Китоб райони, "Шарқ юлдузи" совхозида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149 ва 155-моддалари билан айбланган. 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони ўтагандан сўнг 5 йилга муайян мансабларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш белгиланган.

НАЗАРОВ Эшдавлат – 1950 йилда Қашқадарё вилояти, Оқмасжид қишлоғида туғилган. "Янгиобод" 2-ҳудуд пахтани қайта ишлаш заводида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-моддаси билан айбланган.

НАМАЕВ Бердиёр – 1948 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, "Охунбобоев" совхозида гидротехник. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 119-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 6 йил озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

НАМАЗОВ Тўрақул – 1951 йилда туғилган. У.Юсупов тумани, 26-совхозда яшаган. "У.Юсупов" 26-совхозида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 17-149-1, 119-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЎзССР ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЖКнинг 23-2-моддасига асосан 3 йилга меҳнатга мажбуран жалб этилиб, шартли жазога ҳукм қилинган. 1991 йил 15 мартда оқланган.

НАРКУЛОВ Ишман – 1940 йилда Чироқчи тумани, Майличар қишлоғида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 119-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

НЕКБОЕВ Азамқул – 1949 йилда Ульянов туманида туғилган. Ульянов тумани, Денов қишлоғида яшаган. "Қашқадарё" совхозида ер ўлчовчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган.



2 йил муддатга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

НИЁЗҚУЛОВ Қодир – 1926 йилда Ульянов туманида туғилган. “Ўзкомпартия 50 йиллиги” 22-колхози директори. Ўз ССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 155, 153-2 ва 119-1-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 42-моддасини қўллаб, 4 йил озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган.

НИЁЗОВ Тўлқин Бердиевич – 1938 йилда туғилган. Косон туманида туғилган. Кўкдала тумани, “Коммунизм” совхози директори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 5 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

НИЁЗОВ Эшим – 1938 йилда Косон туманида туғилган. Косон тумани, “ЎзССР 50 йиллиги” совхозида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 19 августда оқланган.

НИЗОМОВ Саидолим Носирович – 1953 йилда Китоб тумани, Сариосиё қишлоғида туғилган. Заводда тайёр маҳсулотлар бўлими бошлиғи. 3 йилга ахлоқ тузатиш колониясига юборишга ҳукм қилинган. 1988 йил 2 февралда оқланган.

НОВНИЁЗОВ Хайдар – 1945 йилда Ульянов туманида туғилган. Ульянов пахта тозалаш заводида чигит бўйича товаровед. ЎзССР ЖКнинг 149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЎзССР ЖКнинг 23-2-моддасига асосан 3 йил муддатга шартли равишда озодликдан маҳрум қилиниб, меҳнатга мажбуран жалб қилинган. 1991 йил 22 февралда оқланган.

НОМОЗОВ Хамроқул – 1955 йил 1 ноябрда Шаҳрисабз тумани, “Октябрь” посёлкасида туғилган. Шаҳрисабз тумани, пахта тозалаш заводига қарашли “Шаҳрисабз” массивида пахта қабул қилиш пунктининг 3-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 2 йил 11 ой 10 кунга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 9 декабрда оқланган.



НОРБЎТАЕВ Хушвақт – 1988 йил 30 декабрда СССР Олий судининг Ҳарбий коллегияси томонидан 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1991 йилда оқланган.

НОРБЎТАЕВА Тўлган Саидназаровна – 1947 йилда туғилган. Нишон тумани, “С.Альенде” №5-совхозида директор. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддалари қўлланилган ҳолда ўзига тегишли мол-мулкни мусодара этилган. 4 йилга озодликдан ҳамда асосий жазони ўтагандан кейин 3 йилгача муайян вазифада ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 338-моддасига кўра ҳукм ижроси бир йилга кечиктирилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

НОРҚОБИЛОВ Худжам – 1929 йилда Қамаши туманида туғилган. “Ғузор” совхозида агроном. ЎзССР ЖКнинг 149, 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 11 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 15 февралда оқланган.

НОРҚУЛОВ Элмурод – 1927 йилда Ғузор туманида туғилган. Ғузор тумани, “Киров” совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 7 йилга озодликдан ҳамда 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган. 1991 йил 1 мартда оқланган.

НОРҚОБИЛОВ Худжам – 1928 йилда туғилган. Ғузор тумани, “Ленин” совхозида директор. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 15 февралда оқланган.

НОРҚУЛОВ Абдумумин Мингяшарович – 1955 йилда Ғузор тумани, Батош қишлоғида туғилган. Ғузор пахта тозалаш заводида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 8 йилга озодликдан ҳамда 4 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган. 1991 йил 1 мартда оқланган.



НОРҚУЛОВ Ишмон – 1940 йилда туғилган. Кўкдала тумани, “Ворошилов” совхозида директор. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 42 ва 40-моддалари қўлланиб, 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. ЎзССР ЖКнинг 149-моддаси билан оқланган.

НОРҚУЛОВ Рўзимурод Джаббарович – 1951 йилда туғилган. 3-бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЎзССР ЖКнинг 42-моддасига асосан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЖКнинг 23-2-моддасини қўллаб, мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан шартли жазога алмаштирилган. Мол-мулки мусодара этилган.

НОРҚУЛОВ Ҳасан Рузимуротович – 1953 йилда Косон туманида туғилган. Косон тумани, “ЎзССР 50 йиллиги” совхозида омбор мудири. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 19 сентябрда оқланган.

НОРҚУЛОВ Элмурод – 1927 йилда туғилган. “Киров” совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 1 мартда оқланган.

НОРМАТОВ Нарзулла – 1953 йилда Чироқчи туманида туғилган. “Охунбобоев” совхозида бош инженер. ЎзССР ЖКнинг 17-149-1, 17-153-2 ва 17-119-1-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддалари билан 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилган. 20% иш ҳақидан давлат фойдасига ундирилган. 1 йил моддий жавобгарлик билан боғлиқ вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

НОРМАТОВ Холмамат – 1946 йилда туғилган. Таллимаржон тумани, №2 “Коммунист” совхозида ишчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 3 йилга озодликдан ҳамда 2 йилга мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 24 майда оқланган.



НОРМАТОВ Ҳолиёр – 1929 йилда Чироқчи туманида туғилган. “Коммунизм” совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 5 йилга озодликдан ҳамда 5 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

НОРМУРОДОВ Бўри – 1934 йилда Яккабоғ тумани, Шаманқирғиз қишлоғида туғилган. Якккабоғ тумани, “Ульянов” колхозида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1991 йил 7 июнда оқланган.

НОРМУРОДОВ Нарзулла Алиевич – 1950 йил Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, “Авангард” совхозида 2-бўлим омбор мудири. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 1 йил 6 ойга ахлоқ тузатиш ишлари белгиланган. 2 йил муддатга моддий ва мансабдор шахслар вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

НОРМУРОДОВ Шомурод – 1947 йилда Қарши туманида хизматчи оиласида туғилган. 1984 йилдан мактаб директорининг ташкилий-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари. ЎзССР ЖКнинг 155-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилинган. 3-349-сонли жиноят иши бўйича Қарши тумани “Москва” совхози ва халқ маорифи бўлимининг талабномалари қондирилиб, озод қилинган.

НОРОВ Ёқуб – 1938 йилда Ульянов туманида туғилган. Ульянов тумани, “Москва” совхозида катта агроном. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 40-моддасига асосан 4 йил 1 ой 28 кунга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 30 майда оқланган.

НОРОВ Ёрбобо – 1934 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, “Китоб массиви” пахта тозалаш пункти директори лавозимида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 153-моддасининг 2-қисми ҳамда 149,



149-1 ва 155-моддалари йиғиндиси билан айбланган. 14 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган.

НОРОВ Файзи – 1951 йилда туғилган. У.Юсупов тумани, "УзКомпартияси 50 йиллиги" 22-совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддасидан ЖКнинг 151-моддасига қайта квалификация қилиниб, шу модда билан ЖКнинг 48-2-моддасини қўллаб, жазодан озод қилинган. Қайта тарбиялаш учун Китоб тумани 33-совхози коллегиясига юборилган. 1991 йилда оқланган.

НУРАЛИЕВ Абдираҳим – 1932 йилда Яккабоғ тумани, "Қишлиқ" қишлоқ советига қарашли "Қатағон" қишлоғида туғилган. "Правда" колхозида бош ҳисобчи. 11 йил озодликдан маҳрум қилинган. 1986 йил 6 августда қамоқдан озод қилинган. 1990 йил 21 октябрда вафот этган.

НУРБОБОЕВ Уроқ Чоршанбевич – 1953 йилда Яккабоғ туманида туғилган. Усмон Юсупов туманидаги "Тошкент" совхозида "Селинник" пахта тайёрлаш пунктида 3-зона товаршуноси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 2 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, мажбурий меҳнатга жалб қилинган. 1991 йил 21 ноябрда оқланган.

НУРБОЕВ Абдуҳаким Бозорович – Толимаржон (Нишон) район, №2 "Коммунист" совхозида бош бухгалтер лавозимида ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 155-моддалари билан 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

НУРИМОВ Яхшимурод – 1954 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, фотопрокат разнобет ташкилотида фотолаборант. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 3 йилга шартли озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 4 январда оқланган.

НУРҚУЛОВ Рўзимурод Жабборович – 1951 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, "Ўзкомпартия 50 йиллиги" совхозида 5-бўлим бошқарувчиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари



ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 2 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. ЖКнинг 23-моддаси билан 3 йилга мажбурий меҳнатга жалб этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

НУРҚУЛОВ Султонқул Шодмонқулович – 1958 йилда Ульянов туманида туғилган. У.Юсупов тумани, "Тошкент" совхозида "Селинник" пахта тайёрлаш пунктида қайта топшириш бўйича вакил. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 8 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 2 йилга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 21 ноябрда оқланган.

НУРМАНОВ Қурбон – 1935 йилда Деҳқонобод туманида туғилган. Таллимаржон тумани, "Коммунист" совхозида темирчи уста. ЎзССР ЖКнинг 149 ва 155-моддалари ҳамда 118-моддасининг 3-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 43-моддаларига асосан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 3 йил синов муддати берилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

НУРМАТОВ Суюн – 1940 йилда Камаши тумани, "Мирзадала" қишлоғида туғилган. Қамаши тумани, "Фарғона" совхози директори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, мажбурий меҳнатга жалб қилинган. 1990 йил 14 декабрда оқланган.

НУРОВ Эшбобо – 1954 йилда Шаҳрисабз туманининг Чорки қишлоғида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Социализм" колхозида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 16 августда оқланган.

О

ОБИДДИНОВ Мурод – 1944 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, "Файзулла Хўжаев" совхози директори. ЎзССР ЖКнинг



119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 10 йилга озодликдан ҳамда 4 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1990 йил 20 октябрда оқланган.

ОДИЛОВ Турди – 1933 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Социализм" колхозида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 16 августда оқланган.

ОҚҚЎЗИЕВ Ислом Абдурахмонович – 1957 йилда Чироқчи туманида туғилган. Чироқчи тумани, "Восход" совхозида ишчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1, 149 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 42-моддасига асосан 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилган. 2 йил муддатга моддий ва мансабдор шахслар вазифасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара қилиш белгиланган.

ОЛИМОВ Ориф – 1947 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, "Ленинград" колхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 11 йилга озодликдан ҳамда ЖКнинг 28-моддасига асосан 4 йилга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 5 апрелда оқланган.

ОЛИМОВ Халим – 1950 йилда Ульянов туманида туғилган. Ульянов тумани, Денов қишлоғи, "Қашқадарё" совхозида агроном. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 149-1-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 17-149-1-моддасига асосан 2 йилга мажбурий меҳнатга жалб қилинган. 1991 йил 24 майда оқланган.

ОЛТИБОЕВ Арзи – 1939 йилда Ғузор туманининг Янгикент қишлоғида туғилган. Ғузор тумани, "Киров" совхозида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 2 йилга муайян ҳуқуқдан ҳамда 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 1 мартда оқланган.

ОМОНОВ Норбой– 1945 йилда туғилган. Ғузор тумани, "М.Хасанова" совхозида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва



153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 15 февралда оқланган.

ОРЗИҚУЛОВ Дилмурод – 1941 йилда Косон туманида туғилган. "Ленин" совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

ОРИПОВ Суюн – 1949 йилда Косон туманида туғилган. Косон тумани, "Ворошилов" колхозида пахта топширувчи вакил. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1-моддаси билан ЖКнинг 42-моддаси қўлланиб, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари билан ЖКнинг 40-моддасига асосан 1 йил 6 ойга озодликдан маҳрум қилинган. ЖКнинг 23-2-моддасини қўллаб, шу муддатга шартли равишда мажбурий меҳнатга жалб этилган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

ОРИПОВ Халил – 1933 йилда Косон туманида туғилган. Косон тумани, "Ворошилов" колхози раиси. ЎзССР ЖКнинг 119-1-моддаси билан ЖКнинг 42-моддаси қўлланиб, 149, 149-1, 153-2 ва 155-моддалари билан ЖКнинг 40-моддасига асосан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЖКнинг 23-2-моддасини қўллаб, шу муддатга шартли равишда мажбурий меҳнатга жалб этилган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

ОРТИҚОВ Ашир – 1927 йилда туғилган. Ульянов тумани, 15-совхозда ишчи. ЎзССР ЖКнинг 149, 17-149-1 ва 155-моддалари ҳамда 118-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40-моддаси билан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 23-2-моддасини қўллаб, 3 йилга мажбурий меҳнатга жалб этилган. 1991 йил 15 мартда оқланган.

ОРТИҚОВ Қўйли – 1948 йилда Ғузор тумани, Қўштепа қишлоғида туғилган. Ғузор тумани, "Охунбобоев" совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 1-қисми билан айбланган. 1991 йил 22 февралда оқланган.

ОТАМУРОДОВ Элмурод Гулмуродович – 1955 йилда Муборак тумани, Қарлиқ қишлоғида туғилган. Муборак тумани, "Гулистон" совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1 ва 155-моддалари билан айбланган.



ЖКнинг 42-моддасини қўллаб, 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган.

ОТАНИЁЗОВ Қахрамон Очилович – 1948 йилда туғилган. У.Юсупов тумани, "ЎзКомпартияси 50 йиллиги" 22-совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 2 йил 6 ойга ҳамда ЖКнинг 41-моддасига кўра 1 йил 6 ойга ахлоқ тузатиш ишини қамоқ жазосига алмаштириб, жами 3 йил озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йилда оқланган.

ОЧИЛОВ Абдурахмон – 1945 йилда туғилган. Баҳористон тумани, 29-совхозида директор. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига кўра 15 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 5 йил муддатга мансабдорлик лавозимларида ишлаш хуқуқидан маҳрум этилган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 4 январда оқланган.

ОЧИЛОВ Ери – 1944 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти, Китоб райони, "Шарқ юлдузи" совхозида директор бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 155 ва 196-моддасининг 1-қисми билан айбланган. 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазони кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларида ўташга ҳамда асосий жазони ўтагандан сўнг 5 йил муддатга муайян вазифаларни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

ОЧИЛОВ Жуманазар – 1934 йилда туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119, 149 ва 155-моддалари ҳамда 152 ва 153-моддаларининг 2-қисмлари билан айбланган. 12 йилга озодликдан ҳамда асосий жазони ўтагандан сўнг 3 йил муддатга моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган ишларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган.

ОЧИЛОВ Маҳматали Раҳмонович – 1957 йилда Қамаши туманида туғилган. Нишон тумани, "Дўстлик" пахта тайёрлаш пунктида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 169-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари белгиланиб, иш ҳақининг 20% давлат фойдасига ундирилган. 1991 йил 18 мартда оқланган.



ОЧИЛОВ Райим – 1941 йилда туғилган. Совхозда бригадир. ЎзССР ЖКнинг 155-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилинган. Ушбу 3-349-сонли жиноят иши бўйича Қарши тумани "Москва" совхози ва халқ маорифи бўлимининг талабномалари қондирилиб озод қилинган.

ОЧИЛОВ Хоним Хонкелдиевич – 1947 йилда туғилган. Нишон тумани, "СССР 50 йиллиги" совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 11 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат фойдасига мусодара этилган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

ОЧИЛОВ Эрмат Хасанович – 1939 йилда туғилган. Баҳористон тумани, 25-сонли пахтачилик совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки давлат ҳисобига мусодара этилган. 1990 йил 4 январда оқланган.

ОЧИЛОВ Эшназар – 1940 йил 8 январда Қамаши тумани, "Пахтаобод" маҳалласи, "Қорақўтон" қишлоғида туғилган. "Гагарин" совхозида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 151-моддаси билан айбланган. 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари белгиланиб, иш ҳақининг 20% миқдори давлат фойдасига ундирилган. 1990 йил 14 декабрда оқланган.

П

ПАНАЕВ Ўктам Инокович – 1956 йилда туғилган. Нишон тумани, "СССР 50 йиллиги" совхозида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 151-моддаси билан 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари белгиланиб, иш ҳақининг 20% миқдори давлат фойдасига ундирилган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

ПАРДАЕВ Султон – 1932 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, "Султон Шаҳрисабз" шаҳар пахта тозалаш заводига қарашли "Чоршанба" пахта тозалаш пунктида 2-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149 ва 149-1 моддалари ҳамда 155 ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 15 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 5 йилга моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган.



ПАРДАЕВ Йўлдош Махмаевич – 1948 йилда Қарши тумани, Муллақувват қишлоғида туғилган. Нишон тумани, “С.Альенде” 5-сонли совхознинг “Нишон” пахта заводида пахта топширувчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149, 17-149-1 ва 155-моддалари ҳамда 152 ва 153-моддаларининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

ПАРДАЕВ Махмаражаб – 1923 йилда Чироқчи туманида туғилган. “Файзулла Хўжаев” номли пахта тозалаш пунктида 3-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 17-149-1 ва 155-моддалари ҳамда 152-моддасининг 1-қисми билан айбланган. 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган ҳамда 3 йил синов муддати берилган. 1990 йил 28 декабрда оқланган.

ПАРДАЕВ Султон – 1932 йилда туғилган. Қашқадарё вилояти, Шахрисабз шаҳар коммунал хўжалик бўлимида 2-зона классификатори бўлиб ишлаган. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1, 149, 155 ва 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 15 йилга озодликдан ҳамда 5 йилга моддий жавобгарлик ишларида ишлашдан маҳрум этилган. Мол-мулки мусодара этилган.

ПАРДАЕВ Тантурди – 1950 йилда Чироқчи туманида туғилган. ЎзССР ЖКнинг 149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари берилган.

ПАТТАЕВ Умидулло Халилович – 1956 йилда У.Юсупов туманида туғилган. У.Юсупов, “Пахтакор” совхозида бош экономист. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 149-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1986 йил 28 августда оқланган.

ПЕРИПЕЛЕЦИНА Зоя – 1928 йилда туғилган. Яккабоғ пахта тозалаш заводида бош ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 149-1, 149, 119-1 ва 155-моддалари ҳамда 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 7 июнда оқланган.

ПОЯНОВ Абдурасул – 1950 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, “Ленин” колхозида ҳисобчи ёрдамчиси. ЎзССР ЖКнинг



119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. 5 йил муддатга мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган.

ПРИМОВ Эргаш – 1938 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, “Правда 25 йиллиги” колхозида бош экономист. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 169-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 21 июнда оқланган.

ПЎЛАТОВ – 1985 йилда суд томонидан жиноий иш очилган. Шаҳрисабз тумани, №27 мактабда ўқитувчи. Пахта иши бўйича судланувчиларнинг ёнини олгани учун жавобгарликка тортилган.

ПЎЛАТОВ Бек – 1922 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. Шаҳрисабз тумани, “Правда 25 йиллиги” колхозида бош ҳисобчи ёрдамчиси. ЎзССР ЖКнинг 149 ва 155-моддалари ҳамда 169-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 21 июнда оқланган.

Р

РАВШАНОВ Давронқул – 1950 йил 5 февралда Косон шаҳрида туғилган. Косон тумани, 1-пахта тозалаш заводида план иқтисод бўлимининг бошлиғи. ЎзССР ЖКнинг 149 ва 151-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 2 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1987 йил 18 июлда оқланган.

РАВШАНОВ Жомурод Толипович – 1960 йилда Ульянов туманида туғилган. “Пахтакор” совхозида пахта пунктида ишчи. ЎзССР ЖКнинг 151-моддаси билан айбланган. 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари белгиланган. 1986 йил 28 августда оқланган.

РАВШАНОВ Исмат Рўзиевич – 1952 йилда Косон тумани, Сайёт қишлоғида туғилган. Муборак тумани, “ВЛКСМ 60 йиллиги” совхозида 2-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари ҳамда 152-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 5 йилга озодликдан



ҳамда 3 йилга моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 24 майда оқланган.

РАВШАНОВ Нурмуҳаммад – 1933 йилда туғилган. ЎзССР ЖКнинг 119, 152-моддасининг 2-қисми, 153-моддасининг 2-қисми, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. 10 йил озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара қилинган. Асосий жазони ўтаб бўлгандан кейин моддий жавобгарлик билан боғлиқ ишларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

РАВШАНОВ Раҳмон – 1932 йилда Чироқчи тумани, Қалқама қишлоғида туғилган. "Китоб" совхози заводида ҳисобчи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддаси қўлланилиб, 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 21 июнда оқланган.

РАВШАНОВ Сайфулла – 1932 йилда Ғузор тумани, Батош қишлоғида туғилган. "Гагарин" номли колхоз раиси. ЖКнинг 42 ва 40-моддалари билан айбланган. 1986 йилда озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йилда оқланган.

РАВШАНОВ Самат – 1933 йилда туғилган. Чироқчи тумани, "Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги" совхозида кассир. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 42 ва 40-моддаларига асосан 6 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. ЎзССР ЖКнинг 153-моддасининг 2-қисми билан оқланган.

РАВШАНОВ Сафар – 1946 йилда Баҳористон туманида туғилган. Баҳористон тумани, 27-совхозида гидротехник. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 152 ва 153-моддаларининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 42-моддасига асосан 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1988 йил 10 декабрда оқланган.

РАВШАНОВ Холиқ – 1928 йилда Яккабоғ тумани, Уввот қишлоғида туғилган. Агроном. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149,149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40-моддасига асосан 3 йилга муайян ҳуқуқдан ҳамда 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. 1991 йил 15 мартда оқланган.



РАВШАНОВ Холиқул – 1950 йилда Чироқчи тумани, “Коммуна” колхозида туғилган. “М.Горький” совхози директори бўлиб ишлаган. 4 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

РАДЖАБОВ Холбобо – 1955 йилда туғилган. Шаҳрисабз шаҳар коммунал хўжалик бўлимида товаровед. ЎзССР ЖКнинг 17-119-1, 17-149-1, 149 ва 155-моддалари йиғиндиси билан 5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 5 йилга моддий жавобгарлик ишларида ишлашдан маҳрум этилган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 21 июнда оқланган.

РАЖАБОВ Жаббор – 1938 йилда туғилган. “У.Юсупов” 26-совхозида бўлим бошлиғи. ЎзССР ЖКнинг 17-149-1, 119-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддаларига асосан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинган. ЖКнинг 23-2-моддасига асосан 3 йилга меҳнатга мажбуран жалб этилган. 1991 йил 15 мартда оқланган.

РАЖАБОВ Рўзибой Баратович – 1961 йилда туғилган. У.Юсупов тумани “Целенник” пахта қабул қилиш пункти 2-зона классификатори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 152-2, 153-2, 17-149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддаси билан 11 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, шартли мажбурий меҳнатга ўзгартирилган кучли тартибда ўташ белгиланган. Мол-мулки мусодара қилинган. 3 йилга моддий жавобгарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган. 1991 йил 7 июнда оқланган.

РАЖАБОВ Ўсар – 1942 йилда туғилган. Китоб тумани, “Свердлов” колхозида бош агроном. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1, 149 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40-моддаси асосида 10 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 5 йилга раҳбарлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 12 апрелда оқланган.

РАЖАПОВ Абдурайим – 1946 йилда Чироқчи туманида туғилган. “Ильич” совхози директори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 23-моддаси 2-қисми қўлланиб, 3 йилга шартли озодликдан маҳрум қилинган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.



РАЗЗАҚОВ Бобожон – 1941 йилда туғилган. Шаҳрисабз тумани, “Киров” узумчилик ва боғдорчилик совхози директори. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 153-2, 149-1 ва 155-моддалари билан айбланган. ЖКнинг 40 ва 42-моддалари қўлланиб, 4 йилга озодликдан ҳамда 3 йил мансабдорлик ишларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. 1991 йил 26 апрелда оқланган.

РАЗЗАҚОВ Ўктам –1941 йилда туғилган. Чироқчи тумани, “Охунбобоев” совхозида директор. ЎзССР ЖКнинг 149, 149-1, 119-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1990 йил 26 октябрда оқланган.

РАЙИМОВ Қулдош Бердимуротович – 1957 йилда Косон тумани, Оқжангал қишлоғида туғилган. Муборак туманидаги “Гулистон” №30 совхозида бўлим бошлиғи. ЎзССР ЖКнинг 119-1, 17-149-1 ва 155-моддалари ҳамда 153-моддасининг 2-қисми билан айбланган. ЖКнинг 42 ва 23-2-моддаларини қўллаб, 3 йилга шартли равишда озодликдан маҳрум қилиниб, мажбурий меҳнатга жалб қилинган. Мол-мулки мусодара этилган. 1991 йил 19 апрелда оқланган.

